ЭРТАГА ТОШКЕНТДА XVII ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОНФЕРЕНЦИЯСИ ЎЗ ИШИНИ БОШЛАЙДИ

КОНФЕРЕНЦИЯ ДЕЛЕГАТЛАРИГА АЛАНГАЛИ САЛОМ!

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 44 (2338). 21 ПАЙШАНБА ФЕВРАЛЬ, 1974 й.

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади. Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

«ЗАНГОРИ КЕМА»ЛАР ЖЎНАТИЛМОҚДА

Бугун

Тошкент товар станциясининг ишчилари Урта Осиёдаги пахтакор республикаларнинг хўжаликларига 28 вагонда «Зангори кема»ларни жўнатдилар. «Ташсельмаш» заводида ишлаб чиқарилаётган бу қудратли машиналар қардош пахтакорларнинг оғирини енгил қилаяпти.

Машинасозлар шу ойнинг ўзида қардош ўлкаларга 700 дан ортиқ «Зангори кема»ни етказиб бердилар. Ўтган ойда эса мингта машина жўнатилган эди.

Ўртоқ Алексей Николаевич КОСИГИНга



КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети Сизни, Коммунистик партия ва Совет давлатининг атоқли арбобини етмиш ёшга тўлган кунингизда қизғин табриклайдилар.

Сиз партия ва давлат ишининг ҳамма лавозимларида куч-қувватингиз ва тажрибангизни коммунистик қурилиш ишига, марксизм-ленинизм буюк идеалларига садоқат билан хизмат қилишга бағишлаб келмоқдасиз. Сиз, Алексей Николаевич, СССР Министрлар Советининг Раиси бўлиб ишлаётиб, партиянинг халқ хўжалигини ривожлантиришга, Совет социалистик давлатини мустаҳкамлашга қаратилган йўлини бундан буён ҳам ўтказишга изчил эътибор бермоқдасиз.

Азиз дўстимиз ва ўртоғимиз Алексей Николаевич, Сизга чин кўнгилдан узоқ умр, сиҳат-саломатлик ва партиямиз ҳамда совет халқининг бахт-саодати йўлида, коммунизм тантанаси йўлида бундан буён ҳам самарали ишлашингизни тилаймиз.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ — СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ — СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

СОЦИАЛИСТИК МЕҲНАТ ҚАҲРАМОНИ ЎРТОҚ А. Н. КОСИГИННИ ЛЕНИН ОРДЕНИ ҲАМДА ИККИНЧИ «УРОҚ ВА БОЛҒА» ОЛТИН МЕДАЛИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Коммунистик партия ва Совет давлати олдидаги катта хизматлари учун ҳамда туғилган кунига етмиш йил тўлиши муносабати билан КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони ўртоқ Алексей Николаевич **Косигин Ленин ордени** ҳамда **иккинчи «Урок ва Болға» олтин медали** билан мукофотлансин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. ПОДГОРНИЙ.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль.
1974 йил 20 февраль.

Мукофот топширилди

1-пойафзал фабрикаси коллективи 1973 йил тўртинчи квартали бўйича Ўзбекистон саноат корхоналари ўртасида ўтказилган социалистик мусобақанинг ғолиби бўлди. Корхона коллективини Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва «Узсовпроф»ининг кўчма Қизил байроғини қўлга киритишга муяссар бўлди.

Ўзбекистон ССР енгил саноат министрининг биринчи ўринбосари Т. Акимова муносиб мукофотни фабрика коллективига тантанали равишда топширди. Мукофотни қабул қилиб олган фабрика директори С. Аюпов ишчи ва хизматчиларнинг минатдорчилигини изҳор қилиб, юбилей йилида зиммага олинган мажбуриятлар ҳақида гапириб берди.

Пойафзалчилар 1973 йил топшириқларини муддатидан илгари адо этиб, планга қўшимча 57 минг жуфт маҳсулот тайёрладилар, 459 минг сўмлик даромад кўрилди. 3 миллион квадрат дециметр арм хом ашёси тежаб қолинди. 40 та янги маҳсулотнинг янги моделларини ишлаб чиқариш ўзлаштирилди ва савдо ташкилотларига етказиб берилди. Шу кунларда 14 новатор ишчи 10-беш йиллик ҳисобига маҳсулот тайёрламоқда. Улар орасида А. Ермелова, С. Сиддиқов, С. Раҳимов, Ф. Усмонов, П. Рибченко ва бошқалар бор. 1975 йил ҳисобига меҳнат қилаётган кишиларнинг сафи 200 кишига яқинлашиб қолди.

Фабрика коллективи юбилей йилидаги топшириқларини 28 декабргача бажариш, планга қўшимча 40 минг жуфт пойафзал тайёрлаш, ишлаб чиқаришни 16 процент ошириш ҳақида мажбурият олди.

Шу кунларда корхонанинг янги ишлаб чиқариш корпуси фондаланишга топширилиш арафасида турибди. Барча қулайликларга эга бўлган янги бинога кўчиб ўтилиши билан, йилига 5 миллион 130 минг жуфт маҳсулот ишлаб чиқариладиган бўлади.

БЕШ ЙИЛЛИКНИНГ АНИҚЛОВЧИ ТЎРТИНЧИ ЙИЛИ



СУРАТДА: экскаватор ремонти заводи ремонт участкасининг зарбдор слесари коммунистик меҳнат зарбдори Николай Видушкин. Бу ишчи муттасил равишда смена топшириқларини 120—130 процент бажаради.

М. Нуриддинов фотоси.

ПЕШҚАДАМ КОРХОНАЛАР

Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлиги 1973 йил тўртинчи квартали бўйича ўтказилган социалистик мусобақа якунларини кўриб чиқиб, илғор корхоналарнинг коллективларини мукофотлади. Тошкентдаги чарм-мўйна заводи, устки трикотаж фабрикаси коллективлари министрликнинг иккинчи ва учинчи даражали пул мукофотлари билан тақдирландилар. Бундан ташқари, «Ташгрушка», «Учқун», «Олдуз» тикувчилик фирмалари ва Тошкент модалар уйи коллективларининг беш йилликнинг ҳал қилувчи йилида яхши кўрсаткичларга эришганликлари қайд қилиб ўтилди.

НОВАТОРЛАРНИНГ ДАСТЛАБКИ ҲИССАСИ

«Главстройиндустрия»га қарашли 2-темир-бетон буюмлар заводининг инженерлари А. Дюские ва Ю. Колобов бўлғуси мактаблар деталларига ишлов берадиган электрик камера қуришни таклиф қилдилар.

Қиш қаттиқ келиши муносабати билан бу етишмаслиги... уларни мана шу фикрга ундади. Колонналар ва ригеллар бўглаш камераларида керакли пишиқликка эга бўлмай чиқди, брак ҳосил бўла бошлади ва завод графикдан чиқиб кетди. Новаторлар мана шу ерда ёрдамга келдилар. Камера қуришга атиги 2 кун керак бўлди, бу ишга на қўшимча плита, на металл, на электр энергия талаб қилинмади — буларнинг ҳаммаси бултурги йил мобайнида тежалганди.

Буюмлар буғ билан дастлабки ишловдан ўтгач, камерага қўйилади ва бу ерда иҳром спираллар 90 градусгача ҳарорат вужудга келтиради. Автомат датчиклар режимни сақлашга ёрдам беради. Иншоот бир кунда 12 форсаж ўтказа олади. Шундай қилиб, завод яна бир маромда ишлай бошлади, деталларнинг сифати қўтарилди. Қолоқликка йўл қўйилмади, ёзда эса мактаб қурилишларига пландан ташқари маҳсулот ҳам юборилади.

Бу шу йилги биринчи рационализаторлик таклифи бўлди. У коллективнинг социалистик мажбуриятига мувофиқ рўёбга чиқди. Беш йилликнинг белгиловчи йилида рационализаторлик таклифларини жорий этишдан камида 50 минг сўмлик иқтисодий тежам олиш мўлжалланади.

(ЎзТАГ мухбири).

ПРОКАТ МОЛЛАРИ КЎПАЙДИ

«Сервис» фирмаси коллективи бу йил шаҳримиз аҳолисига 4 миллион 850 минг сўмликдан ортиқ машиний хизмат кўрсатишга аҳд қилган. Бунинг учун янги турар жой массивларида кўплаб прокат пунктлари ишга туширилиб, улар эҳтиёжга мослик моллар билан бойитилмоқда.

Яқинда янги фирма 22 минг 500 сўмлик турли моллари прокатга жўнатди, Юнусобод массивида янги ишга туширилган прокат пункти ҳам «Горизонт», «Электрон», «Қрим» каби ўндан ортиқ телевизорлар, фото аппаратлар, шунингдек, уй-рўзғор буюмларини қабул қилиб олди.

Чехов кўчасида иш бошлаган прокат хонаси ҳам ана шундай моллар билан таъминланди.

АЛЬПИНИСТЛАР ҲИКОЯСИ

Ўтган йил Помирдаги Хонтегри чўққисини забт этишда қатнашган шасоратли альпинистлар тянгловчиларнинг меҳмони бўлишди. СССР спорт мастери, 1973 йил мусобақаларининг кўмуш совриндори Б. Е. Блоштейн ҳикояси қизиқарли бўлди. Бу альпинист чўққини эгаллаш билан бирга у ерда ажойиб манзараларни кинолентага суратга олишга муваффақ бўлган.

Бундан ташқари СССР спорт мастери В. А. Элчибеков, Ўзбекистон ССР география жамиятининг вице-президенти В. В. Рацек альпинистларнинг жасорати ҳақида ҳикоя қилиб бердилар.

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

◆ КПСС Марказий Комитетн ва СССР Министрлар Совети СССР 50 йиллиги номидаги Красноярск ГЭСи ишга тушганлиги муносабати билан Комитет ва Совет Министрлари Президиумининг Ленин ордени ва Ленин портрети билан тақдирланган Красноярск ГЭСи ишчилари, қурувчилари, монтажчилари, лойиҳачиларини, машинасозларини, иншоотнинг барча қатнашчиларини жаҳонда энг йирик гидроэлектростанциянинг муваффақиятли ўзлаштирилганлиги, қисқа муддатда лойиҳадаги йилига 20 миллиард киловатт-соат ҳажмда электр энергия ишлаб чиқариш даражасига эришилганлиги ва бу муҳим кўрсаткич анча ошириб юборилганлиги билан қизғин табриклайдилар.

◆ СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин 20 февралда Кремлда Монголия Халқ Республикасининг СССРдаги элчиси Х. Банзрагчини қабул қилди ва у билан ўртоқларча самимий суҳбатлашди.

СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин шу куни Кремлда Корея Халқ Демократик Республикасининг Совет Иттифоқидаги муваққат ишлар вакили Пак Си Гвонни қабул қилди ва у билан самимий дўстона вазиятда суҳбатлашди.

◆ Сенат раиси Жъафар Шариф Имомий бошчилигидаги Эрон парламенти делегацияси 19 февралда Москвадан ватанига жўнаб кетди.

ОЛМА ШАРБАТИ

Консерва заводи адресига кўплаклардан келаётган кўплаб хатларда уларнинг мишмишдорчилик сўзларнинг ўқиш мумкин.

Завод коллективи бу мамлакатга ҳар йили ноз-неъматлардан тайёрланган консерва маҳсулотлари юбориб турибди. Куни кеча ана шу озодлик оролига дастлабки бўюртма жўнатилди.

Кеча

Самарқанд шаҳрига олма, олча, олхўридан тайёрланган 13 минг 800 дона банка компот, 23 минг 580 коробка ширни жўҳори қаламчалари жўнатилди. Наманган шаҳар аҳолисидан 18 минг 800 дона консерва ва 24 минг коробка ширни жўҳори қаламчалари учун олинган буюртма ҳам муддатидан аввал у ерга юборилди.

Бугун

эса завод коллективи ватанимиз пойтахти — Москва аҳолиси учун 4 минг балонда олма шарбати жўнатди.

ЎЗБЕКИСТОН БЎЙИЛАБ

ЛИНИЯ ИШГА ТУШДИ

Олмалиқ рўзғор химияси заводида аэрозол баллонлари ишлаб чиқарадиган ва уларни тўлдирадиган линия ишга тушди. Бу ерда сочга суриладиган «Савдра» ва «Прелесть» лаклари, чивинга қарши қўлланиладиган «Тайга» воситаси, хонадордаги ҳашоратларга қарши ишлатиладиган «Ветерок» суюқлиги — умуман ҳаммаси бўлиб 20 хил буюм ишлаб чиқарилади. Бу линия йилига 20 миллион баллон турли хил воситалар ишлаб чиқаришга мўлжалланган. Янги линия корхонада маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини икки ярим баравар кўпайтириш имконини беради.

ИККИ ҚАВАТЛИ УНИВЕРМАГ

ВОДИЛ (Фарғона области). Бу ерда «Узкоопстроймонтаж» трести қурган икки қаватли универмаг дастлабки харидорларга хизмат кўрсатди. 930 квадрат метр майдонга эга бўлган универмаг савдо залларида пойафзал, кийим-кечак, атторлик моллари ва бошқа товарлар билан савдо қиладиган бўлимлар жойлашган. Олтиариқ аҳолиси ҳам область кооператорларидан биринчи майгача худди шундай совға олади.

МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИНМОҚДА

Бухоро пойафзал фабрикаси область магазинларига эркаклар модели пойафзалининг дастлабки туркумини жўнатди. Бунга янги цехни ишга тушириш туфайли эришилди. Корхона коллективи йил бошидан «бери планда кўзда тутилгандан нисбатан 41 минг ортиқ кўп маҳсулот реализация қилди. Фабрикани реконструкция қилиш давом этмоқда. Ҳозир эркакларнинг хромдан тикилган қўнжисиз ботинкаларини ишлаб чиқарадиган цех модернизация қилинмоқда.

(ЎзТАГ).

Маданият хроникаси

КОНКУРС БОШЛАНДИ

Куни-кеча Улуғбек номли маданият уйида Ленин районининг «Қўйлиқ», «Юнусобод» маданият уйлари, Тошкент темир йўл инженерлари институти, 21 мактаб бадиий ҳаваскорлик тўгараклари-нинг концерти бўлди. Бунда Қўйлиқ маданият уйи бадиий ҳаваскорларининг концерти юқори баҳоланди ва шаҳар маданият уйлари конкурсида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди.

КЎЧМА ВИСТАВКА

Республика Халқ хўжалиги ютуқлари виставкаси юбилейга бағишлаб кўчма кўргазма ташкил этилди.

Бугун

Тошкент область Оқкўрғон райони пахтакорларининг қўлга киритган ютуқларини акс эттирувчи кўчма кўргазма Фарғона область «Коммунизм» колхози деҳқонлари ҳузурига юборилди.

ОЛОИДА ЗИЛЗИЛА

20 февраль соат 17 дан 43 минут ўтганда Тошкентда уч бал кучи билан зилзила қайд этилди. Тошкент марказий сейсмик станцияси берган маълумотларга қараганда унинг ўчоғи Киргизистон ССРнинг Олой тоғи атрофида, Ўш шаҳридан тахминан 30 километр жанубий томонда, Тошкент шаҳридан эса 330 километр узоқликдадир. Зилзила ўчоғида ер силкинишининг кучи 7 балл бўлган. Ўш шаҳрида 6 балл, Андижонда 5, Фарғонада 4 балл бўлганлиги ҳисобланди.

Б. УЛОМОВ.

ЮБИЛЕЙГА БАҒИШЛАНАДИ

Республика Билимлар уйида Ўзбекистон ССР ва республика Компартияси ташкил қилинганлигининг 50 йиллиги юбилейига бағишлаб қатор маданий тадбирлар ўтказилмоқда. Томошабинларга Совет Ўзбекистони меҳнаткашларининг социализм даврида эришган ютуқлари ҳақида ҳикоя қилувчи фильмлар, кўргазмалар намойиш қилинмоқда.

Кеча

Ўзбекистон ССР «Билим» жамияти правлениеси раисининг биринчи ўринбосари, тарих фанлари доктори Қ. Фозилхўжаев «Ленин ва Ўрта Осиё халқларининг тарихий тақдири» деган мавзуда лекция ўқиди. Олим Ўрта Осиё халқларининг фан, маданият, маориф ва халқ хўжалиги соҳаларида қўлга киритган ютуқларини атрофлича шарҳлаб берди.

СОЦИАЛ ТАЪМИНОТЧИЛАР ЙИҒИЛИШИ

Куни кеча Тошкентда шаҳар социал таъминот органларининг ҳамда шаҳар социал таъминот органларининг 1973 йил иш якунлари ва 1974 йилги вазифалари тўғрисида» доклад қилди.

Музокаралардан сўнг М. Орипова йиғилганларнинг саволларига жавоб қайтарди.

Семинар-кенгаш қатнашчилари шаҳар социал таъминот органлари ходимларининг 1974 йил учун социалистик мажбуриятларини қабул қилдилар.

Шундан сўнг кенгаш қатнашчилари семинар машғулотларида иштирок этдилар. Машғулотларни республика социал таъминот министрлигининг катта инспектори Н. Голикова олиб борди.

ХАЛҚАРО ЛЕКТОРЛАР СЕМИНАРИ

Бугун

РЕСПУБЛИКА БИЛИМЛАР УЙИДА ХАЛҚАРО ЛЕКТОРЛАРНИНГ РЕСПУБЛИКАЛАРАРО УЧ КУНЛИК СЕМИНАРИ ЎЗ ИШИНИ БОШЛАДИ. Уни Ленин ордени Бутуниттифоқ «Билим» жамияти ва Ўзбекистон ССР «Билим» жамияти ташкил қилган. Йиғилишга мамлакатимизнинг турли шаҳарларидан халқаро темада суҳбат ўтказувчи лекторлар таклиф қилинган. Унинг асосий темаси «КПСС XXIV съездидан кейин КПСС ва Совет давлатининг ташқи сиёсати фаолияти»га бағишланган.

Семинарнинг бугунги йиғилишида КПСС Марказий Комитети пропаганда бўлимининг лектори В. П. Китаев «Партиянинг XXIV съезди қабул қилган ташқи сиёсат тинчлик Программасининг бажарилишида КПСС ва Совет ҳукуматининг фаолияти», СССР Давлат план комитетининг катта эксперти, лектор В. Г. Зинин «КПСС Марказий Комитетининг декабрь (1973 йил) Пленуми қарори асосида партиянинг иқтисодий сиёсати масалалари», СССР Ташқи савдо министрлигининг ўринбосари, лектор Л. И. Зорин «СССРнинг ташқи иқтисодий алоқалари активлашиши — давлатлар ўртасида тинчлик муносабатларини мустаҳкамлашнинг муҳим факторидир» деган темалардаги лекцияларни тингладилар.

Семинарнинг кейинги йиғилишларида бир қатор лектор олимлар турли муҳим темаларда лекция ва суҳбатлар ўтказадилар.



Жаҳон мамлакатларида Чили ватанпарварлари билан бирдамлик ҳаракати кенгайиб бормоқда. Прогресс ва жамоатчилик ҳунта қамоқларида азоб чекаётган сиёсий маҳбусларнинг озод қилинишини, Чили Компартияси Бош секретари Луис Корваланнинг ҳаёти сақлаб қолинишини талаб қилмоқда.

СУРАТДА: ГДР пойтахтидаги виставканинг Чилига бағишланган плакатлари.

АДН —ТАСС фотоси.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

◆ СОФИЯ. Софиядаги бир қанча саноат корхоналари коллективларининг таклифига биноан ВКП шаҳар комитети бюроси 21 апрель якшанбада зарбдор меҳнат кунини ўтказишга қарор қилди. Бу зарбдор кун Владимир Ильич Ленин туғилган кунининг 104 йиллигига ҳамда Болгарияда Социалистик революция ғалабасининг 30 йиллигига бағишланади. София меҳнаткашлари шу куни тежаб қолинган материал, хом ашё, энергия ва ёқилғи билан ишлашга аҳд қилдилар.

◆ ҚОҲИРА. Миср пойтахтида совет фильмлари ҳафтаси бошланди.

◆ ҚОБУЛ. Бу ерда эълон қилинган фармонга мувофиқ, домлалар ўқитаётган бошланғич мактабларнинг ҳаммаси бундан буён маориф министрлигининг ихтиёрига ўтказилди.

◆ ГАВАНА. Бу ерда Куба билан Швейцария ўртасида мунтазам ҳаво алоқаси ўрнатиш тўғрисидаги битим имзоланди.

◆ ВАРШАВА. Косметолог врачларнинг кўпгина халқаро анжуманларида «Польшада тайёрланган» маркаси қўйилган биологик кремлар энг юқори баҳо олдн. Уларнинг сифати дунёдаги энг яхши фирмалар кремларининкидан қолишмайди. Бугунги кунда Польша косметика воситаларини экспорт қилиш юзасидан жаҳонда бешинчи ўринни эгаллайди.

Сўз—корхона раҳбарларига

ЁРУҒ ЮЗ БИЛАН

Мусобақалашиб, ҳамкорликда бир-биримизни қўллаб-қувватлаб ишлаш руҳи борган сари ҳаётимизда чуқур илдиз отмоқда. Корхонамизда ишчилар, мастерлар, оригада, смена ва потоклар узаро мусобақадош. Шу билан бирга, биз мамлакатимиздаги бир қатор турдош корхоналар билан ҳам беллашмоқдамиз. Киев шаҳридаги 6-пойафзал фабрикаси, Олмаотадаги «Жеттисув» пойафзал фирмаси билан бир неча йиллардан бери мусобақадошмиз. Бундай қардошларча ҳамкорлик бизни сафарларга бошламоқда, янги-янги қимматли ташаббусларнинг юзага чиқишига, меҳнат унумдорлигини узлуксиз ошира бориб, нозик таъб халқимизнинг талабларини қондириш йўлида тинимсиз изланишга илҳомлантирмоқда.

Коллективимиз шаҳримиздаги кекса корхоналардан —1-пойафзал фабрикаси билан ҳам социалистик мусобақа шартномаларини тузган. Кун-кеча пойафзалчилар маданият саройида биз 9-беш йилликнинг тўртинчи, аниқловчи йили учун социалистик мусобақа шартномаларини имзоладик. Социалистик мусобақани уюштиришда эришилган тажрибаларни ўртоқлашиб, ишлаб чиқариш самарадорлигини, маҳсулот сифатини ошириш йўлида эришилаётган муваффақиятлар билан фикрлашдик. Шунингдек, йилнинг беш йиллик шахсий план топшириқларини муддатидан илгари бажаришга эришган ишлаб чиқариш илғорларига қимматбаҳо совғалар топширдик.

Биз мусобақадошларимиз олдида ҳал қилувчи йилдаги ишларимиз ҳақида ҳисоб бердик. Социалистик мусобақанинг қудратли тўлқини ҳамкасбларимизнинг олдида юзимизни ёруғ қилди. Фабрикамиз янги, замонавий ускуналар билан жиҳозланган бинога кўчиб ўтган. Ҳозирча корхонамиз тўла қувват билан иш олиб бораётгани йўқ. Ўтган йили лойиҳадаги қувватнинг 55 процентини ўзлаштиришга эришдик. Бир миллион 568 минг жуфт пойафзал тайёрладик. Эркаклар амирхон туфлисининг учта моделига Давлат «Сифат белгиси»ни олишга муваффақ бўлинди. Буларнинг барчасини фабрикамизда ишчи кучи етишмаган, бор ишчиларимизнинг эса кўпчилигини малакаси ва ишлаб чиқариш тажрибаси кам бўлган шароитда амалга оширдик. Коллективимиз цехлар қурилишида йўл қўйилган бир қатор хатоликлар, пала —партиш бажарилган қурилиш-монтаж ишлари натижасида келиб чиққан турли қийинчиликларни енгган ҳолда маҳсулот сифатини яхшилаш ва унинг турларини кўпайтиришга интилди.

1973 йилда маҳсулот ишлаб чиқаришни 1972 йилга нисбатан 24,5 процент оширишга эришдик. Бунда цехлар, бригадалар ўртасидаги социалистик мусобақанинг аҳамияти катта бўлди. Тўққизинчи беш йиллик шаҳсий план ва мажбуриятларини муддатидан илгари бажарувчиларнинг сони ҳам кун сайин ортиб бормоқда. Бичувчи Б. Кряжева, чарм кесувчилар Я. Маҳкамов, А. Боймуродов, М. Маҳкамова, А. Мирзахўжаев, З. Никулина, А. Кузнецова каби пешқадамлар шаҳсий беш йиллик планларини аллақачон бажариб қўйганлар. Шу кунларда 15 ишчи 1975 йил ҳисобига меҳнат қилмоқда. 275 ишчи эса 1974 йилнинг ноябрь ва декабрь ойлари ҳисобига маҳсулот топширмоқда.

Ўзбекистон ССР ва республика Компартиясининг 50 йиллик тўйи нишонланадиган йилда фабрикамиз коллективи ҳар қачонгидан ҳам унумли меҳнат қилиб, юбилейни ёруғ юз билан кутиб олишга аҳд қилган. Бу йил лойиҳадаги маҳсулотнинг сифати кун сайин яхшиланиб бормоқда. Меҳнаткаш-лардан миннатдорчилик сўзларни битилган мактубларни олиб турибмиз. Бу эса, бизни халқ олдидаги масъулиятимизни яна ҳам чуқурроқ сезган ҳолда фидокорлик билан ижодий меҳнат қилишга илҳомлантирмоқда .Ўтган йили 3000 жуфт пойафзалнигина Давлат «Сифат белгиси» билан ишлаб чиқарган бўлсак, бу йил уни 30 минг жуфтга етказамиз. Яна беш моделдаги пойафзални —аёллар туфлиси, этиги ва эркаклар туфлисини Давлат «Сифат белгиси» олишга тақдим этамиз.

Коллективимиз КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети ,ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг «1974 йил халқ хўжалиги планини муддатидан илгари бажариш учун саноат, қурилиш ва транспорт ходимларининг Бутуниттифоқ социалистик мусобақасини ўтказиш тўғрисидаги Қарори асосида меҳнат қилиб, аниқловчи йилнинг биринчи ойи планини муваффақиятли бажариб, планга қўшимча 75 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарди. Маҳсулот сифатини яхшилаганимиз туфайли, қайта ишлашга сарфланадиган харажат ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 9,2 процентга камайди.

Ҳозир цехларимизда меҳнат авжида. 21 бригада коммунистик меҳнат зарбдори, 35 та комсомол-ёшлар бригадаси шу номни олиш учун курашмоқда. Ўзаро меҳнат беллашувида 5-цехнинг Виктор Коншин бошлиқ сменаси олдинда бормоқда. Улар ўтган ойда бир сменада 400 жуфтдан пойафзал тикқан бўлса, ҳозир буни 750 жуфтга етказишяпти. Ш. Юсупов раҳбарлигидаги 4-цех ишчилари ҳам улардан ортда қолишмаяпти.

Баҳор яқинлашмоқда. Коллективимиз унга анча олдин тараддуд бошлаган. Шу кунларда барча цехларимизда баҳор мавсумига атаб маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда. Бу йил хиром, сунъий лак ва бошқа материаллардан 35 моделда арзон, хушбичим оёқ кийимларни тайёрлаб, кишиларимизни хурсанд қилмоқчимиз, Ўзбекистон ССР ва республика Компартиясининг олтин тўйини ёруғ юз билан кутиб олмоқчимиз.

И. АҲМАДЖОНОВ,
2-пойафзал фабрикасининг директори.



Тошкент абразив комбинати ишлаб чиқараётган маҳсулотлар мамлакатимиздаги кўпгина машинасозлик корхоналарида қўлланилади. Корхона коллективи тўққизинчи беш йилликнинг аниқловчи йилида ҳам маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтиришга ҳаракат қилмоқда.

СУРАТДА: комбинат механика цехининг зарбдор токари коммунистик меҳнат зарбдори Фотима Мустафоева. У смена-ойлик топшириқларини бир ярим баробар бажаради.

М. Нуриддинов фотоси.

●Депутат ва ҳаёт

БУРЧ ДАЪВАТИ

МЕН бу кишини ҳали ўрта мактабда ўқиб юрган пайтимдан ёқ яхши билардим. Унинг аъло ўқиши, меҳнатсеварлиги ўзгалар ҳақида куйиб-пишадиган одатлари ҳамон эсимда. У ўша даврларда машинист бўлиш иштиёқи борлигини сўзларди. Мана, ниҳоят орзуси рўёбга чиқди.

Тошкент тепловоз депоси ишчи ва хизматчилари унинг номзодини Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига кўрсатишларининг боиси бор, албатта. Чунки, Аббос Турсунхўжаев ўз меҳнати билан коллектив ўртасида шуҳрат қозонган. Кейинги пайтларда Аббос ака билан маҳаллада, 51-мактабда бўладиган турли учрашувларда тез-тез суҳбатлашиб турамиз. У ҳар сафар хушчақчақ ва самимийлик фазилатлари билан кўпчилик олқишига сазовор бўлади.

Яқинда бу халқ хизматкори ўз сайловчилари олдида ҳисобот берди. Учрашувда мен ҳам қатнашдим. Зал одам билан лиқ тўлди. Депутат ҳисоботидан сўнг, савол жавоб бошланди. Шунда, кимдир 15, 16, 22, 26-автобуслар қатновининг ёмонлигидан шикоят қилиб қолди. «Токайгача соатлаб, бекатларда автобус кутамиз», деди у. Депутат наказни ўз дафтарига қайд қилар экан, бу ҳақда бир ҳафтадан кейин аниқ жавоб беришини айтди. Чунки, авҳол билан яқиндан танишиб, сайловчилар наказини бошлиқлар ва тегишли ташкилотлар билан маслаҳатлашиб кўриш лозим эди.

— Ваъда ваъдалигича қолмасин-да, — ўртага гап ташлади ўтирганлардан бири. Биз шу учрашувдан 10 кун кейин бу наказнинг бажарилиши билан қизиқиб кўрдик. Маълум бўлишича, депутат ўша кундан бошлаб ишга киришибди. Натижада, қисқа муддатда юқоридаги маршрутлар бўйлаб қатнайдиган автобусларнинг сони кўпайтирилибди.

Учрашувда В. П. Атаманюк депутатга ўз яшаш шароитининг ночорлиги ҳақида шикоят қилиб, квартира олиб беришда ёрдам сўради. Депутат бу наказга ҳам бир ҳафта муддат ичида аниқ жавоб беришини айтиб, уни ўз дафтарига ёзиб олди. Шу куни депо ишчи ва хизматчилари А. Турсунхўжаевга талайгина наказлар топширишди.

Бир куни Ҳамза локомотив станциясида яшовчи юздан ортиқ депо ишчиси газ, канализация ва водопровод йўқлигидан шикоят қилиб қолишди. Депутат бу илтимосни амалга оширишни ўзига олди. Райондаги ижроия комитетидагилар баъзи сабаблар билан ишни анча орқага суриб юборишди. Ниҳоят, А. Турсунхўжаевнинг қистови билан сайловчилар талаби қондирилди.

Шимилов шаҳарчасидаги Бойсун, Ҳовос кўчаларига телефон-автомат ўрнатишда ҳам Аббос ака катта ҳисса қўшди.

— Биз машинист-депутатимиз А. Турсунхўжаевнинг депо ишчи ва хизматчиларига бераётган ёрдамидан мамнунмиз, — дейди машинистлардан Б. П. Каравайкин.

Аббос ака ЎзССР Олий Совети қошидаги транспорт ва алоқа доимий комиссиясининг аъзосидир. У комиссия аъзоси сифатида аҳолини қанчадан-қанча оғирини енгил қилди. Сайловчилар талаби асосида жойларда трамвай ва автобуслар сонини кўпайтириш ҳамда меҳнаткашларни телефон хизматига бўлган талабларини қондириш ишида ўзининг муносиб улушини қўшди.

Ишчан коммунист ўтган 1973 йилда илғорлар қаторидан ўрин олди. У пландагидан ташқари 10 минг тонна ҳалқ хўжалиги буюмларини ўз мажбуриятига етказиб берди. Депутатнинг Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг шонли ярим асрлик юбилейи нишонланадиган йилдаги режалари янада улкан. У бу йил 12 минг тонна қўшимча юк ташиш, 8 тонна ёқилғи тежаш, 3 шогирд тайёрлашга аҳд қилган.

Аббос Турсунхўжаевнинг депога ишга келганига 21 йил, машинист касбини эгаллаганига эса 14 йил бўлди. Ана шу ўтган вақт ичида у неча-неча юз минг тонналаб ҳалқ хўжалик юкларини ўз манзилига элтиб берди. Устоз сифатида ўнлаб ёшларга ўз касбини ўргатди. Эндиликда, унинг шогирдларидан К. Петрушко, В. Камишев, К. Фармоновлар устоз номини ҳурмат билан тилга олишади. Яқинда Аббос ака СССР Темир йўли министрлигининг Фахрий ёрлиги билан тақдирланди. Ишчан, ширинсўхан, жамоат ишига жон дили билан ёндошадиган саҳийқалб машинистнинг депутат қилиб сайланишининг ўзи унга бўлган халқ ҳурматининг ёрқин далилидир.

С. СУЛТОНОВ.

●Газетхон илтимоси

Муқобил план ва рағбатлантириш

«План ва мажбуриятдан ибо рат муҳим вазнфа нима учун муқобил план деб атала бошлан ди? Бу термин қаердан олинган?» — сўрайди авиация завод нинг планлаштириш бўлими ходими И. Савченко редакция мизга йўллаган мактубида.

Оқшомхон Зокир Ҳакимов бу саволни янада тўлдиради: «Муқобил планлар муваффақия тли бажарилганда моддий рағбатлантириш масалалари қан дай ҳал этилади?»..

Кўпчилик газетхонларнинг илтимосларини ҳисобга олиб, қуйидаги материални уларнинг диққатига ҳавола этяпмиз.

Москва, Ленинград, Тошкент ва бошқа шаҳарларнинг илғор корхоналари муқобил планларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш асосида 1974 йил учун ўз виммаларига директив топшириқлар олиш ташаббусини бошлаб бердилар. Ички резерв ва имкониятларни ҳисобга олган ҳолда бу планлар оширилган мажбуриятлар билан тўлдирилди. Бунда муқобил планлар корхоналар, бирлашма ва ташкилотларнинг барча ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларининг актив иштирокида атрофлича муҳокама этилди. Шунинг учун ҳам у ижодий ташаббускорликнинг коллектив маҳсулидир.

Бунда ҳом ашё ва материалларни тежашга алоҳида эътибор берилади. Бу нарса пландан ташқари кўплаб товар маҳсулоти ишлаб чиқаришни таъминлади.

Муқобил план реализация ҳажми умум суммаси, товар маҳсулоти ва бошқа кўрсаткичлари ўз ичига олади. Яъни план ва мажбурият йиғиндисидан иборатдир. Муқобил план — юқори ташкилотлар: министрлик бош бошқармаси, ёки планлаштириш органлари томонидан пухта кўриб чиқилган ва тасдиқланган бўлиши керак. Чунки унинг муваффақиятли бажарилиши кўп жиҳатдан моддий-техникавий таъминотга боғлиқ. У ҳомашё, материал жиҳозлар орқали саноатнинг аралаш соҳалари билан боғланади.

Муқобил план тасдиқланишидан кейингина, корхона, ташкилот, бирлашманинг давлат плани бўла олади. Шундан кейин унинг бажарилиши мажбурдир.

Ҳозир пойтахтимиздаги ҳар бир корхона шундай ўз муқобил планига эга. Бунинг учун ҳам, у КПСС XXIV съезди Директивларида белгиланган халқ хўжалиги вазнфаларини амалга оширишда ишчи коллективларининг кураш қуролидир.

Муқобил планлар термини 30-йиллардан ишлатила бошланди. Ана шу даврдан бошлаб, ишчи коллективлари биринчи беш йилликлар программасини муддатидан илгари бажариш йўлида ўз виммаларига жиддий, оширилган «муқобил план»лар олиб ишлаганлар. Бу — ишчиларнинг меҳнатга социалистик муносабатда бўлишининг юксак намуноси эди.

Социалистик мусобақани авж олдириш ва ишлаб чиқаришда резервлардан оқилона фойдаланиш асосида муқобил планлар қабул қилган ва уни бажарган корхоналар (ишлаб чиқариш бирлашмалари) коллективларининг моддий манфаатдорлиги масаласи ҳам ҳал қилинган. СССР Министрлар Советининг Меҳнат ва иш ҳақи масалалари Давлат Комитети ва ВЦСПС СССР Госплани ҳамда СССР Молия министрлиги билан биргаликда 1973—75 йилларда саноат корхоналари ишчиларини муқофотлашнинг типовой лойиҳасига асосланиб, Меҳнат ва иш ҳақи масалалари Давлат Комитети ва ВЦСПСнинг 1967 йил 4 февралида қабул қилган 84— 11-5 қарорига қўйидаги ўзгартишни киритди:

Агар корхона (ишлаб чиқариш бирлашмаси) социалистик мусобақа асосида қўшимча маҳсулот ишлаб чиқариш юзасидан муқобил план қабул қилса, уни барча кўрсаткичлар бўйича бажарса ҳамда эришилган натижалар беш йиллик нинг шу йилдаги топшириқ даражасида бўлганда ёки ундан оширилган тақдирда мукофот белгиланади ва у оширилган миқдорда тўланади.

Корхона (ишлаб чиқариш бирлашмалари нинг раҳбар ходимлари) учун оширилган мукофотнинг конкрет миқдорларини юқори ташкилотлар шу соҳа касаба союз органлари билан келишган ҳолда белгилайдилар, қолган ходимларга бериладиган мукофот ҳажмини эса, корхона (ишлаб чиқариш бирлашмалари) раҳбарлари ишчилар комитетлари билан келишиб белгилайдилар.

Агар корхона (ишлаб чиқариш бирлашмаси) юқори ташкилотлар тасдиқлаган план кўрсаткичларини бажарса ёки ошириб адо этса-ю, бу кўрсаткичлар корхона (ишлаб чиқариш бирлашмаси) томонидан қабул қилинган муқобил планда белгиланганига етмаса, у ҳолда ходимларга тасдиқланган планнинг бажарилиши ёки ошириб адо этилгани бўйича белгиланган миқдорда мукофот тўланади.

Оширилган миқдордаги мукофотлар муқобил планлар қабул қилинганлиги муносабати билан моддий рағбатлантириш фондларига кўчирма равишда ўтказилган маблағ ҳисобидан берилади. Моддий рағбатлантириш фондларининг қолган қисм ва министрликлар (корхоналар, бирлашмалар)нинг марказлашган фондлари маблағлари ҳам ана шу мақсадга сафарбар этилиши мумкин.

ВАҚТИДА ОЛАДИЛАР

Хатларингизни шарҳлаймиз

Ҳурматли редакция!

Мен 3-тикувчилик фабрикасида ишлайман. Ҳамма қатори 1974 йил учун «Тошкент оқшоми» газетасига обуна бўлган эдим. Аммо, январь ойининг дастлабки ўн куни давомида бироита ҳам газета келтиришмади. Бизга хизмат қилувчи 42-почта ходимлари ўтган йилни ҳам обуна бўлган газета ва журналларни ўз вақтида ва тўлиқ келтиришмаган эди. Нега бундай масъулиятсизлик қилишади!

Т. СОДИҚОВА,
3-Аҳил кўчаси 4-уйда яшовчи газетхон.

РЕДАКЦИЯДАН: бу масала юзасидан 42-почта бўлими бошлиғининг ёрдамчиси Р. Аритхўжаева қуйидагиларни билдирди:

— Газетхон Содиқованинг эътироз тўғри. Январнинг дастлабки кунларида бу обуначимиз газетани ўз вақтида ололмаган. Чунки, шу участкага хизмат қилувчи почтачимиз касал бўлиб қолган эди. Биз унинг ўрнига бошқа почтачи тайинлагунча обуначилар газетани вақтида ололмадилар. Ҳозир газета ва журналларни элтиш ишни яхши йўлга қўйилди. Т. Содиқовага эса вақтида олмаган газеталари етказиб берилди. Почта бўлими маъмурияти бундан кейин ана шундай ҳолларнинг олдини олиш учун зарур чора-тадбирларни кўраётир.

⊙ БИЗГА ЁЗАДИЛАР

Қачон йўлга қўйилади?

Юнусобод массивида яшовчи аҳоли кундан кунга кўпайиб бормоқда. Массивга шаҳар марказидан 8, 51, 60-автобуслар ва 25-трамвай қатнайди. Аммо шуни айтиш керакки, бу транспорт воситалари тобора кўпайиб бораётган массив аҳолисининг талабини қондиролмаяпти. Автобус ва трамвайлар кўпинча массивнинг юқори қисмидан ниҳоятда тўлиб-тошиб келади. Бу транспорт воситаларини кўпайтириш, монтроллар сонини ошириш керак. Чунки на трамвайда, на автобусда йўловчилар ҳам ҳайдовчилар ҳам назорат қилинмаяпти. Шунингдек, массивга троллейбус қатновни йўлга қўйилса, нур устига нур бўлар эди.

А. ТОЛИПОВ,
У. ҲОЖИБОЕВ,
С. БУРИБОЕВ ва бошқалар.

Шундай одамлар **БОР БЎЛСИН**



Очерк

—1—

I

— Нодир ака, тезроқ келинг, дадамларнинг...

Муаззамнинг ўпкаси тўлиб, бошқа гапираолмади. Нодир уйга кирганида Назир ота ҳолсиз ётарди. Тезлик билан бирон-бир йўлини топиш керак. Акс ҳолда... Шу фикр унинг миясига яшиндек урилди. У «Тез ёрдам» машинасини чақиришни ўйлаб, телефон олдига борди...

... Киши аввало бирор хасталикка йўлиқмасин экан. Назир ота ошқозон касалига учради-ю, ўзидан ўтганини ўзи билди. Кейинироқ бориб унга бошқа дардлар ҳам ёпишди. Хуллас, отани хасталик йиқитиб қўйди. Қон босими кўтарилиб, боши айланадиган, овқат ҳазм қилолмайдиган бўлиб қолди. «Қариликда» деб қўярди ўзига-ўзи. Йўқ, қарилик эмас экан. Унинг ошқозонига жарроҳ тиғ тегизмаса бўлмай қолган эди. Шу кеча докторлар уни иккинчи бор ҳаётга қайтаришди...

...Унинг одати қизиқ. Кун ботди дегунча, дарвоза олдидаги икки туп олча дарахти тагига сув сепдириб, ўзи тенги муйсафидлар билан гурунглашиб ўтиради. Ана шу дўст-ёрлари билан суҳбатлашса, кўнгли анча таскин топгандай, уни қийноққа солган дардларини унутгандай бўлади.

Унга тўйиб овқатланиш, қовурилган нарсаларни ейиш асло мумкин эмас. Иккинчи томони—қарилик. Ҳаёт ширин кўриниб кетаверади. Беш ўғли ва уч қизининг, невараларининг орзу-ҳавасини кўргиси келади...

Отанинг хаёлини аллакимнинг овози бўлиб юборди.

— Ваалайкум ассалом, э, ўғлим, сизмидингиз, — отахон шундай дея Карим ака билан кўришаркан, ундан ҳол-аҳвол сўради.

— Раҳмат, қалай, бардаммисиз ўзингиз, аҳволингиз дурустми?

— Тузукман, анча яхшиман. Лекин овқат тезда ҳазм бўла қолмайди-да.

— Тузалиб, ҳеч нимани кўрмагандай бўлиб кетасиз.

— Айтганингиз келсин. Пирибадавлат бўлинг, мартабангиз бундан ҳам ошсин... Қани, уйга кирайлик.

— Раҳмат, дадамлар билан бир келамиз, гурунглашамиз.

— Бош устига, ўғлим...

Карим ака ҳар гал отахон билан учрашганида унга, шундай касалликлар билан хасталанган кишиларга жуда-жуда ёрдам бергиси келарди...

Ошқозон касалликларини янада самарали йўллар билан даволаш ҳақида Карим ака кўпдан бери ўйлайди. Назир ота билан бугунги учрашув яна уни хаёллар оғушига тортди. Тўғри-да, Назир ота сингари дардга йўлиққанлар озмунчами? Шундай кишиларнинг умрига-умр ҳадя қилиш лозим.

Шу куни у алламаҳалгача ухлолмай ётди. Узоқдан чигирткаларнинг чирилласи эшитилади... Осмон тўла юлдузлар унга жилва қиларди. У эса ўз орзу-ҳаёллари билан банд. Сўри тагига қўйилган каравотда дам у ёққа ағдарилар, дам бу ёққа ағдариларди. «Ошқозони операция бўлган ёки олиб ташланган одам қандай овқатланиши лозим, бундайларга осон тутиб бўлмайди», деган хаёллар унга тинчлик бермасди...

Эртасига ишга анча барвақт келди. У ичидаги бутун «дарди»ни домласига айтишга жазм этган эди...

— Фикрларингиз жуда тўғри, қўшиламан. Одам ошқозони бамисоли тегирмон. Унда овқат ҳалимдек бўлмаса, ичакка қийин, шу муаммони ҳал қилиб берсангиз қани эди,— деди кўзойнагини оларкан профессор Эргаш Отахонов, шогирдининг гапларидан мамнун бўлиб.

Шу-шу бўлди-ю, Карим ака эрта-ю кеч ошқозони олиб ташланган кишиларнинг қай тарзда овқатланиши ҳақида, шу хасталикка чалинганларни қай йул билан аввалги меҳнат қобилиятига қайтариш масаласи хусусида жиддий ўйлайдиган, операциядан кейин киши организмида — юракда, ўпкада ва бошқа аъзоларда бўладиган ўзгаришларга даво топиш тўғрисида фикр юритадиган бўлиб қолди.

Кунлар, ойлар ўтаверди. Шифокор эса, изланишда давом этар, илмий ишини тезроқ ниҳоясига етказиш мақсадида туналарни бедор ўтказарди...

Ҳа, шифокор бўлиш осон эмас. У қийин, аммо шарафли. Буни у жуда яхши, қалбдан тушунар, врач асло хатога йўл қўймаслиги керак, деб ўйларди.

Врачлик дипломи билан чўлга ишга борганида дадил йўл тутишга, қатъий ҳаракат қилишига тўғри келган эди. У А. Тян фамилияли беморни даволашга бутун билимини ишга солди. Ҳозир ота сингари дардга йўлиққанлар озмунчами? Шундай кишиларнинг умрига-умр ҳадя қилиш лозим.

Шу куни у алламаҳалгача ухлолмай ётди. Узоқдан чигирткаларнинг чирилласи эшитилади... Осмон тўла юлдузлар унга жилва қиларди. У эса ўз орзу-ҳаёллари билан банд. Сўри тагига қўйилган каравотда дам у ёққа ағдарилар, дам бу ёққа ағдариларди. «Ошқозони операция бўлган ёки олиб ташланган одам қандай овқатланиши лозим, бундайларга осон тутиб бўлмайди», деган хаёллар унга тинчлик бермасди...

Эртасига ишга анча барвақт келди. У ичидаги бутун «дарди»ни домласига айтишга жазм этган эди...

— Фикрларингиз жуда тўғри, қўшиламан. Одам ошқозони бамисоли тегирмон. Унда овқат ҳалимдек бўлмаса, ичакка қийин, шу муаммони ҳал қилиб берсангиз қани эди,— деди кўзойнагини оларкан профессор Эргаш Отахонов, шогирдининг гапларидан мамнун бўлиб.

Шу-шу бўлди-ю, Карим ака эрта-ю кеч ошқозони олиб ташланган кишиларнинг қай тарзда овқатланиши ҳақида, шу хасталикка чалинганларни қай йул билан аввалги меҳнат қобилиятига қайтариш масаласи хусусида жиддий ўйлайдиган, операциядан кейин киши организмида — юракда, ўпкада ва бошқа аъзоларда бўладиган ўзгаришларга даво топиш тўғрисида фикр юритадиган бўлиб қолди.

Кунлар, ойлар ўтаверди. Шифокор эса, изланишда давом этар, илмий ишини тезроқ ниҳоясига етказиш мақсадида туналарни бедор ўтказарди...

Ҳа, шифокор бўлиш осон эмас. У қийин, аммо шарафли. Буни у жуда яхши, қалбдан тушунар, врач асло хатога йўл қўймаслиги керак, деб ўйларди.

Врачлик дипломи билан чўлга ишга борганида дадил йўл тутишга, қатъий ҳаракат қилишига тўғри келган эди. У А. Тян фамилияли беморни даволашга бутун билимини ишга солди. Алексейни бош умуртқасининг уланган жойи синиб кетганди... Ҳозир у Мирзачўлда меҳнат қилади. Карим акадан умрбод миннатдор.

II

— Айтинг доктор, онамлар...

Врач беморни синчиклаб текшириб бўлгач, пешонасидаги терларини артар экан, Султонмуродга қараб деди:

— Ташвишланманг ука, онангиз яшайдилар!

...Шу куни у навбатчи эди. Ярим кечада беҳуш касални олиб келишди.

Карим ака зудлик билан унга ёрдам кўрсата бошлади. Ҳамма докторлар ошқозон касалликлари бўйича мутахассис эканлигини биларди. Шунинг учун ҳам ҳар бир операцияда ёрдамлашишга ҳаракат қиларди. Ҳозир ҳам шундай бўлди.

Операция муваффақиятли ўтди. Беморнинг ҳаёти сақланиб қолди. Карим ака ўзини ўнглаб олгач, ўзи ҳам ҳайрон қолди. Ахир у ҳеч қачон операция столи ёнида ўзини бу қадар ишончли ҳис этмаган эди. Ҳатто ўзи ҳам ҳайрон қолди. Ахир у ҳеч қачон операция столи ёнида ўзини бу қадар ишончли ҳис этмаган эди. Ҳатто ўзи ҳам ҳайрон қолди.

—3—

—4—

—5—

ОЛТИН ОЛМАЙ

2 бет ТОШКЕНТ ОҚШОМИ
21 ФЕВРАЛЬ, 1974 й.

Вақтинг кетди—нақдинг кетди

Бир оннинг қадри

Инсон ҳаётидаги ҳар бир дақиқанинг ўз гашти, жозибаси ва мазмуни бор. Бугун кечаги кунга ўхшамайди, кечаги куннинг мазмунини бугун такрорлаб бўлмайди. Ҳаётнинг кўрки ва улуғворлиги, қизиқлиги ва мураккаблиги ҳам худди мана шу бир-бирига ўхшамас онларнинг алмашиб туришидир. Ҳаётнинг барча дақиқалари бир хил ўтса, бири —иккинчисини такрорласа, инсон учун қуруқ ва таъсирсиз ўтар эди.

Соғлом ва ижобий тарбия кўраётган боладаги очиқ кўнгиллик, самимийлик, қизиқувчанлик, қувноқлик, тўғрилик каби хусусиятлар катта ёшдаги кишиларга бир жаҳон ҳузур бағишлайди, ҳар ким ҳам ўз болалик йилларини эслаб кетади, кўнглида бир лаҳзалик бўлса-да, болаликка қайтиш орзуси туғён уради. Аммо, катталикдаги ҳаёт ҳам шундай ажойиб фазилатларга эгаки, уларни болаликда топиш жуда қийин. Бунда, инсон умрининг қайси босқичи қизиқарли ва мазмунга бой, деган савол қўйиш нотўғридир. Болалик ҳам, ўсмирлик ҳам, ёшлик ҳам, ўрта яшарлик ҳам ва, ниҳоят, кексалик ҳам ўз фазилатларига эга. Демак, гап умрнинг қайси даври афзаллигига эмас, балки ҳар бир умр босқичидан ҳаётнинг ҳар кунини, ҳар соатидан қанчалик унумли фойдалана олиш да, қанчалик баракали ва мазмундор яшай билишдадир.

Болалик ҳам, ўсмирлик ҳам кексалик ҳам инсонга бир марта насиб бўлади, шунинг учун ҳар кунининг мазмундорлиги, фазилати ва устунлиги инсоннинг ўзига боғлиқ. Мазмунли яшаш, орқада қолган умр йилларини билан фахрлана олиш кишининг юқоридаги ҳаёт ҳақиқатини эсда сақлаб, ҳалол меҳнат туфайли ўзи ва ўзгалар ҳаётини тобора кўркамлаштиришга интилишда, ақл-идрок амрига амал қилиб яшашда намоён бўлади.

Баъзи кишилар энг фойдали соатларини бировлар билан лақиллаб юриш, ҳеч нарса харид қилмаган ҳолда магазинма-магазин санғиб юриш ёки меъёридан ортиқча уйқу билан ўтказишади. Лекин улар ўзларини иш билан банд қилиб кўрсатишга ҳаракат қилишиб, узоқдаги бирон яқин кишисига икки энлик хат ёзиш учун ҳам вақт етишмайди, деб нолишади. Бундай кишилар керакли фурсатни беҳуда сарф этиш натижасида келиб чиқадиган омадсизлик, ишнинг олға силжимаслиги, руҳий ланжлик, лоқайдлик кабиларнинг туб моҳиятини яхшироқ ўйлаб кўрмайдилар.

Инсондаги олижаноб фазилатлар аста-секин шаклланиб боради. Фикримизнинг далили учун инсоннинг етуклikka қўйган биринчи дадил қадами, яъни ўн саккиз ёш-лигини кўз олдимизга келтирайлик. Ҳўш, бу давр учун характерли хусусиятлар нималардан иборат?

Ўн саккиз ёш — киши умрининг баҳори. Қалбларида кўм-кўк майса янглиғ орзу-истаклар ўсаётган, жаладан сўнг чиққан қуёш янглиғ чеҳралар гулгун, баҳор шабадасидек бокишлар масъум, шалоладек томирларда қон жўшаётган, севиш, севилиш, яшаш, яшлаш, ўқиш тилаги хаёлни банд қилган ажойиб дамдир. Ўн саккиз ёш—қандай касб танласам экан, қандай яшасам экан, қандай қийиниб, қандай юрсам экан, одамдаги энг яхши фазилатлар нималар ва уларни қандай эгаллаш мумкин, каби саволлар туну-кун кўз олдингда гавдаланадиган пайт. Ўн саккизга кирган ҳар бир ёш юқоридаги саволларга тўғри жавоб топишга ҳаракат қилиши ва ҳаётда ўзининг муносиб ўрнини топиб олишга интилиши керак. Чунки инсоннинг бутун ҳаёти давомида ўн саккиз ёшдаги ҳатти-ҳаракати, қураш ва интилиши ўчмас из қолдиради.

Ўн саккиз ёшга етган ёки шу ёш арафасидагилар учун ҳис-туйғу софлигини сақлаб қолиш жуда муҳим. Чунки, бу ёшда қалбда севиш, севилиш истаги жўш урабошлайди. Аммо, баъзан ўткинчи ҳис-ҳаяжонлар, ҳирсий интилишлар самимий соф туйғунинг ўрнини эгаллаб, ёшларни нотўғри йўлга олиб кириши мумкин.

Ўн саккиз ёшга етганлар учун касб танлаш ҳам катта аҳамиятга эга. Жуда кўп касбларга бўлган қизиқиш ёшларнинг бошини гангитиб қўяди, қандай мутахассислик менга мос бўлар экан, деган савол безовта қилади. Шунда улар дастлаб, ўзларида мавжуд бўлган қобилият, ўз характерларидаги муҳим томонларни эътиборга олишлари лозим. Баъзан истак билан қобилият мос келавермаслиги мумкин, шунда бир оз вақт ўтганидан сўнг танланган касбга қаратилади. Бу эса киши умрининг бир неча ойи, ёки йилини деярли беҳуда ўтганидан далолат беради. умрнинг ҳар куни, ҳар соати беҳуда ўтмасин деган одам танланган касби қанчалик ўзига мослиги, шу касби бўйича қанчалик қобилияти борлигини, бир умр шу касбга қизиқиб, шу касб билан яшай олишини чамалаб кўради, мулоҳаза қилади, ўртоқлари, ўзидан каттароқ, тажрибалироқлар билан маслаҳатлашади.

Биз мураккаб ва мазмундор замонда яшаяпмиз. Фан ва техникада кундан-кун янги-янги мўъжизалар яратилянти. Ҳаётдан орқада қолмаслик учун кун сайин рўй бераётган янгиликларнинг энг муҳимларидан хабардор бўлиш зарур. Шунинг учун ҳам ҳозирги замон кишисидан ўқимишли, маълумотли, маданиятли бўлиш учун катта ирода, қунт ва чидам, сабот ва матонат, ақл-идрок ва ижодий фантазияга бойлик талаб қилинади. Демак, озгина бўлса-да бўшлик кўрсатиш, иродасизлик қилиш, кишини ҳаёт оқимидан анча четга суриб қўйиши мумкин.

Мақоламизни Ғафур Ғуломнинг «Вақт» номли шеъридан олинган бир тўртлик билан якунлаймиз.

Ҳар лаҳза замонлар умридек узун
Асрлар тақдири лаҳзаларда ҳал.
Умрдан ўтажак, ҳар лаҳза учун
Қудратли қўл билан қўяйлик ҳайкал.

Аҳмаджон ЭШОНҚУЛОВ,
Фалсафа фанлари кандидати.

Бизнинг календарь

Халқ ўқитувчиси

(К. Д. Ушинский туғилганига 150 йил тўлди).

Буюк сиймо К. Д. Ушинский бутун ҳаётини педагогика-психология фанининг тараққиётига бағишлади. У 47 йиллик ҳаётида таълим-тарбияга доир жуда кўп асарлар ёзган эди: «Инсон тарбия предмети сифатида», «Педагогик адабиётнинг фойдаси тўғрисида», «Ижтимоий тарбияда халқ руҳи», «Мактабнинг уч элементи», «Она тили», «Болалар дунёси, «Ўқитувчилар семинариясининг проекти» ва бошқалар шулар жумласидандир.

К. Д. Ушинский фикрича, педагогика фани энг мураккаб, кенг маънодаги зарур санъатдир.

Тарбиячи-ўқитувчининг психологик-педагогик тактга эга бўлиши уни бошқа шахсларнинг қалбига йўл топа билишга имконият беради. Ўқитувчининг педагогик такти таълим-тарбия жараёнида шаклланади.

Моҳир педагог таъкидлайдики, тарбия ишида болага дўқ уриш, руҳини тушириш ва унга нисбатан нотўғри муносабатда бўлиш ёш қалбдаги жўшқинликни сўндиради. Шунинг учун тарбиячи ёш қалбларга ишонч билан қараб, педагогик маҳорат орқали таъсир кўрсатмоғи лозим.

Ахлоқий тарбия болаларда одамларга ҳурмат, муҳаббат, самимият, хайрихоҳлик муносабатлари билан бирга, меҳнатсеварлик, ватанпарварлик хислатларини ҳам тарбиялашга қодирдир. К. Д. Ушинский ахлоқий ҳисларни тарбияловчи восита ўқитиш жараёнида деб тушунади ва бу ишга катта эътибор беради.

Шу билан бирга, ахлоқий хисларни тарбиялашда эътиқод, ўқитувчининг педагогик одоб, педагогик интизом ўрната олиши ҳамда болаларни тўғри қизиқтириши ва огоҳлантира олиши муҳим тарбиявий таъсирга эгадир. К. Д. Ушинский оила тарбиясига ҳам алоҳида эътибор берган эди. Ота-оналар оила тарбиясини муваффақиятли амалга оширишда педагогик активлар билан доимий шуғулланиб туришларини лозим деб ҳисоблайди.

Олим-педагог ўзининг қисқа ҳаёт даврида жаҳон педагогика фани ривожига катта ҳисса қўшди. У Россияда педагогика фанининг асосчиси ҳисобланади.

К. Д. Ушинский ўзининг педагогик фаолиятида прогрессив жаҳон педагогларининг ижодий фаолиятларини танқидий таҳлил қилди. Улардан Россия мактабларида қўллаш мумкин бўлган томонларини синчковлик билан топа олди.

К. Д. Ушинский педагогика ва психология, физиология фанларининг ўзаро узвий алоқадорлигини кўрсатди.

Педагог Мадзалевский 1895 йили бундай деб ёзган эди: «Худди Ломоносов — бизнинг халқ олимимиз, Суворов — бизнинг халқ лашкарбошимиз, Пушкин —бизнинг халқ шоиримиз, Глинка— бизнинг халқ композиторимиз бўлганидек, Ушинский ҳам бизнинг халқ педагогимиздир».

Халқ педагоги К. Д. Ушинскийнинг хотирасини абадийлаштириш, мақсадида «К. Д. Ушинский номли медаль» таъсис этилган. Ҳозир мамлакатимизда 100 дан ортиқ педагог «Ушинский медали» кавалеридир.

О. ҲАСАНБОЕВА,
педагогика фанлари кандидати.

Китоблар оламида

ИЗЛАНИШ САМАРАСИ

Бу ўқув йилида кўп сонли ўқитувчиларимиз «Ўзбек адабиёти методикаси тарихидан очерклар» қўлланмасини олганликлари қувончли воқеа бўлди. Педагог-олим Асқар Зуннуновнинг мазкур асари 1917—1970 йилларда совет мактабларида ўзбек адабиётини ўқитиш методларининг тараққиёт йўлини ёритишга бағишланган. Қўлланманинг қиммати шундаки, автор ўқувтарбия системамиз тадрижий тараққиётларини ҳар бир даврнинг ўзига хос талабларини объектив суратда тўғри таҳлил қилади. Шу билан бирга, Коммунистик партия ва совет ҳукуматининг мактаб таълими, ёш авлод тарбияси хусусидаги беқиёс ғамхўрликлари, амалга оширган муҳим тадбирлари ҳақида асосли фикрларни келтиради.

Ўзининг бир қатор методик қўлланма ва монографиялари билан адабиёт ўқитишни тубдан яхшилашдек хайрли ишга муносиб ҳисса қўшиб келаётган таниқли олим. Ўзбекистон ССР да хизмат кўрсатган ўқитувчи, педагогика фанлари кандидати Асқар Зуннунов методикамиз равнақига яна бир муҳим ҳисса қўшди.

У. САЛОҲИДДИНОВ,
Низомий номли Давлат педагогика институтининг ўқитувчиси, педагогика фанлари кандидати.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАЛАБ КАТТА

БУДАПЕШТ. Венгрия тўқимачилик саноатининг буюмлари жаҳонининг юздан ортиқ мамлакатига юборилади. «Хунгаротэкс» ташқи савдо бирлашмаси ўтган йилнинг ўзида социалистик мамлакатларга 1972 йилга нисбатан 7 процент кўп —1 миллиард форинтлик маҳсулот етказиб берди.

Совет Иттифоқи Венгрия тўқимачилик саноати буюмларининг энг йирик буюртмачисидир. Социалистик мамлакатларга юборилаётган шу маҳсулотнинг 90 процентини Совет Иттифоқи ҳиссасига тўғри келади. «Хунгаротэкс» бирлашмаси бу йил Совет Иттифоқига 100 миллион сўмлик маҳсулот етказиб беради.

Қанд пишириш мавсуми тугади

БЕЛГРАД. Югославия қанд саноати меҳнатчилари қанд лавлагини қайта ишлашнинг навбатдаги мавсумини тугатдилар. Мамлакатдаги 13 та қанд заводида 3 миллион тоннадан ортиқ лавлаги қайта ишланди ва 420 минг тоннадан ортиқ қанд ишлаб чиқарилди. Бу ўтган йилдагидан қарийб 70 минг тонна кўпдир.

Бу йилги мавсумда Югославиядаги қадимий қанд заводининг коллективи яхши меҳнат қилди. Ҳозир бу завод «Црвенка» [Воеводина] аграр-саноат комплекси составига киради. Бу ерда 300 минг тонна қанд лавлагини батамом қайта ишлаш ва қарийб 40 минг тонна қанд пишириш учун 100 кундан ортиқ вақт талаб қилинди.

«КПСС ВА СОВЕТ ДАВЛАТИНИНГ ТАШҚИ СИЁСАТИ ТЎҒРИСИДА»

Л. И. БРЕЖНЕВ МАҚОЛАЛАРИ ВА НУТҚЛАРИ ТЎПЛАМИ.

СОФИЯ. Болгария Компартиясининг нашриёти КПСС Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежнев мақолалари ва нутқлари тўпламини «КПСС ва Совет давлатининг ташқи сиёсати тўғрисида» деган ном билан болгар тилида босмадан чиқарди.

Л. И. Брежневнинг китобида, дейилади кириш сўзида, КПСС ташқи сиёсат фаолиятининг энг муҳим стратегик йўналишга— жаҳон социализм системаси позицияларини мустаҳкамлаш учун, социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари ўртасида ҳар томонлама қардошларча алоқаларни, дўстликни ва ҳамкорликни ривожлантириш учун курашига тўла-тўкис характеристика берилган. Халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракати бирлигини, барча революцион, демократик ва тинчликсевар кучлар бирлигини мустаҳкамлаш соҳасида, жаҳон антиимпериалистик фронтини жипслаштириш борасида КПССнинг ҳормай-толмай куч-ғайрат сафларга алоҳида эътибор берилган.

КПСС Марказий Комитетининг, Болгария Компартияси Марказий Комитетининг ва бошқа қардош Коммунистик партияларнинг сўнгги йилларда бўлиб ўтган пленумлари КПССнинг актив ташқи сиёсат йўлига юксак баҳо бериб, планетамизда мустаҳкам ва узоқ давом этадиган тинчликни таъминлаш учун курашга Л. И. Брежнев шахсан катта ҳисса қўшганлигини таъкидлаб ўтишди.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари халқаро муносабатлар соҳасида кенг ва хилма-хил иш олиб бормоқда. КПСС ва Совет давлатининг ташқи сиёсат йўлини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда унинг шахсий хизматлари каттадир. Л. И. Брежнев замонамизнинг энг йирик сиёсий арбобларидан бири сифатида, тинчлик ва халқлар ўртасидаги дўстлик учун, халқаро сиёсий иқлимни юмшатиш учун танилган курашчи сифатида бутун ер юзида машҳурдир.

Л. И. Брежневнинг мақолалари ва нутқлари тўплами унинг кириш сўзида КПСС ва Совет давлати ленинча сиёсатининг назарий ва амалий принципиал қоидаларини ижодий ривожлантирувчи ва бойитувчи ҳозирги замон марксчаленинча сиёсий тафаккурнинг энг муҳим асари деб таърифланади.



Қишнинг аёзли, совуқ кунларида кўпгина ёввойи ҳайвонлар одамларнинг ёрдамига мухтож бўлиб қоладилар. Чунки, ўт-ўланлар қалин қор остида қолиб кетади.

СУРАТДА: Германия Федератив Республикасининг Рамзау шаҳри яқинидаги ўрмонда кийик ва буғуларни ем-хашак билан таъминлаш.

Кейстон— ТАСС фотоси.


Руси тадқиқот институти

ДЕҲЛИ. Мадьхя-Прадеш штатининг Бхопал шаҳрида рус тадқиқотлар институти иш бошлаганлигига тўққиз йил бўлди. Институт Совет Иттифоқининг, совет ташқи сиёсатининг ютуқларини ва муваффақиятларини, Ҳиндистон ва СССР муносабатларини ўрганиш ва пропаганда қилиш борасида катта иш олиб бормоқда.

Институт ҳузурида очилган рус тили курсини ҳар йили 60 киши битириб чиқмоқда. Институтнинг рус тилидаги китобларидан иборат катта кутубхонаси бор. Ҳиндистон-Совет маданият жамияти маҳаллий бўлимининг аъзолари институтга катта ёрдам бермоқдалар.

(ТАСС).

ВИСТАВКА ОЧИЛДИ







Куйбишев кўчасидаги виставка залида Узбекистон ССР ва республика Компартиясининг 50 йиллигига бағишланган театр, кино ва телевидение рассомлари асарларининг республика виставкаси очилди.

СУРАТЛАРДА: юқорида —виставка залида; чапда Г. Визель, «Виждон ҳукми» спектаклига чизилган декорациянинг эскизи; пастда —В. Добрин, «Еттинчи ўқ» кинофильмига чизилган эскиз.

Л. Степанова фотолари.

Қимматчиликнинг охири кўринмайди

Капиталистик дунёда қимматчилик тобора ошмоқда. Бунинг сира охири кўринмаётир, аксинча, капиталистлар ва савдогарлар спекуляция найрангларининг жуда кенгайтириб юборганликлари сабабли қимматчилик тобора кучаймоқда ва кескинлашмоқда.

Япония пойтахтидан келган хабарга кўра, у ерда шу йил январь ойининг ўзидагина озиқ-овқат нархлари яна 4 процент кўтарилганлигини бош министр маҳкамаси эълон қилган. (Бутун ўтган йил давомида бу нархлар 20 процент кўтарилган эди).

Данияда нархларни оширмаслик тўғрисида яқинда қонун қабул қилинганлигига қарамай янги йилнинг биринчи ойидаёқ нархлар икки процент кўтарилди. Нон, гўшт, балиқ, пишлоқ ва бошқа маҳсулотларнинг нархлари, айниқса тез кўтарилмоқда.

Бразилияда январь ойи ичида қимматчилик 2,4 процент ошди. Бельгияда нархлар яна анча оширилганлиги эълон қилинди.

Мана шундай «қулай» шароитда йирик саноатчилар ва савдогарлар жўрттага таниқислик туғдириш ва озиқ-овқат моллари нархларини янада ошириш мақсадида бу моллар запасини махфий равишда кўпайтириб, бозорга чиқармай сақлаб туришга интилмоқдалар. Японияда шундай фактлар борлиги кўпчиликка аён бўлиб қолди. Италиядаги мана бу янги фактларга қаранг: мамлакатдаги магазинларда ўсимлик мойи бирданига йўқ бўлиб қолди. Аммо полиция Тревизо шаҳрининг ўзидагина бир миллион литрдан кўпроқ ўсимлик мойи омборларга яшириб қўйилганлигини аниқлади.

Нархларни ошириш мақсадида мана шундай найранглар ишлатишга Италиянинг қанд заводчилари ва улгуржи қандпурушлари ҳам киришганликлари ҳозир маълум бўлиб қолди. Мамлакатда аҳолини қанд билан таъминлашда ўзаро ёрдам бошладилар.

Шундай қилиб, миллион-миллион меҳнаткашларнинг тинчасини қуритаётган қимматчилик тобора кучаймоқда ва шу билан бир қаторда аҳолиниг озиқ-овқат маҳсулоти билан таъминлаш борасида жиддий қийинчиликлар туғилмоқда.

ОЛҚИШ ОЛГАЙ

—6—

ташланган ёки бир қисми операция қилинганларда ҳар хил моддалар —оқсил, утлерод, витаминлар етишмай қолажаги хусусида гапиради. Илмий совет аъзолари бир-бирларига маъқоли қараб, унинг ишини яқдиллик билан маъқуллаб ўтиришарди.

Бундан уч йил олдин бўлиб ўтган бу йиғилишда Карим Йўлдошев медицина фанлари доктори илмий даражасини олиш учун диссертация ёқлади. Тинмай қилинган меҳнат, изланиш, эзгу мақсад йўлидаги интилиш, ўтказилган бедор кечалар ўз маҳсулини берди.

—Ҳар йили Иттифоқимизда 60—80

—7—

академиясининг академиклари, Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари Н. С. Молчанов ва В. Х. Василенко, СССР Медицина Фанлари академиясининг академиклари П. С. Чеботарев, М. С. Ясеновский, ўзбек профессорларидан СССР Медицина фанлари академиясининг мухбир аъзоси Ж. Н. Маъсумов ва бошқалар хат муаллифлари эдилар. Ленин мукофоти лауреати, каунаслик академик З. И. Янушкевичус, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги Т. Зуфаровлар олимнинг катта илмий ишига юксак баҳо бериб, бу совет медицинаси тараққиётига қўшилган салмоқли ҳиссадир, дедилар.

III

...Жаҳон конгресси ишини бошқариб бораётган раис ўзбек олимига сўз берди. Катта залга жаҳоннинг турли бурчакларидан келганлар тўпланишганди. Анжуман иштирокчилари ўзбек профессорининг ҳар бир сўзини диққат билан тинглашар эди.

Кейинги пайтларда қариликнинг олдини олиш ва инсон умрини узайтириш масаласи ер юзидаги медикларнинг муҳим вазифаларидан бири бўлиб қолди. 1972 йилда Киев шаҳрида жаҳон геронтологларининг халқаро конгресси бўлиб ўтганлиги ушбу фикримиз далилидир. Инсон умрини узайтириш ва қариликнинг олдини олишга Иттифоқимизда, жумладан, серқуёш республикамизда ҳам жуда катта эътибор берилиб, бу борада кўпгина ишлар қилинмоқда. Ўзбек олими ана шулар ҳақида, ўлкамизнинг ажойиб иқлим шароитлари-ю, юз ёшда ҳам йигитлардек тетик юрган отахонлари ҳақида гапирди. Шу боисдан унинг нутқи конгрессда иштирок этган 83 хорижий мамлакат қатнашчиларида катта қизиқиш уйғотди.

Чиндан ҳам унинг ҳар бир илмий иши, нутқи, монографияси қизиқиш билан кутиб олинди. Ҳозирга қадар профессорнинг 100 га яқин илмий иши, 3 та монографияси, китоб-брошюралари босмадан чиққан.

...Квартирадаги телефон бирдан жиринглаб қолди.

— Карим Йўлдошевич, Фарғона шаҳрига бормасангиз бўлмайди, сизни санитария авиацияси кутиб турибди, — деган овоз эшитилди. У шошилиб қийинди. Бир соатдан сўнг у Фарғона аэропортида турарди.

1-касалхонада врачлар уни илҳақ бўлиб кутишар, профессорнинг маслаҳати асосида иш кўришга ҳозирланар эди.

У келгач, ҳамма нарса ойдинлашди. Беморнинг буйраги ишламай қолган, баданига заҳарли моддалар тарқалиб, уни ҳолсизлантириб қўйган эди. Врачлар профессорнинг кўрсатма-маслаҳатлари бўйича даволашга киришдилар. Кечга бориб, ҳалиги бемор кўзини очди. —Шу пайтда К. Йўлдошев Қувасойда яна бир инсон ҳаётини сақлаб қолиш учун курашарди.

Профессорни Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида, Ўзбекистон ССР соғлиқни сақлаш министрлигида, Қарши ва Навоийда, Бухоро ва Гулистонда, хуллас республикамизнинг ҳамма-ҳамма жойида учратасиз. Чунки, К. Йўлдошев Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлигининг бош терапевти. Зарур бўлиб қолган ҳолларда уни турли жойларга таклиф этишади, йўл-йўриқ сўрашади. Ана шуларнинг ҳаммасига у вақт топади, бемор руҳини кўтариб, инсон умрини узайтиради.

Унинг ижтимоий фаолияти ҳам серқиррадир. 1936 йилда Ўзбекистон терапевтларининг I съезди бўлиб ўтган эди. Ана шундан бери орадан 40 йилча ўтибди. Ўтган йилнинг декабрида республикамиз терапевтларининг II съезди бўлди. Унда муҳим мавзудаги кўпгина докладлар тингланди. Съездни ташкил этишда профессор катта ташаббускорлик кўрсатди.

...Яқинда Карим ака уйдан чиқаётиб, очеркимиз бошида номларини тилга олган Назир ота билан рўпара келиб қолдилар. Улар бир-бирлари билан кучоқлашиб кўришишди. Профессор Назир ота соғлигини сўради.

— Жуда яхшиман, ўғлим. Овқатларни ҳам тез-тез ҳазм қиламан. Раҳмат, бизга ўхшаганларга давони, малҳамни сиз топган экансиз. Ўғлим самолётда Бухородан кела туриб, бир киши билан ҳамроҳ бўлиб қолибди. Гап орасида сизни гапириб, мақтабди. Уни ўзингиз даволаган экансиз...

Профессор отахон билан самимий хайрлашиб, автобусга чиқди. Орадан бир оз вақт ўтгач, у Тошкент врачлар малакасини ошириш институти кардиология ва функционал диагностика кафедрасига кириб келди. Бу ерда ҳам унинг маслаҳатини олгани келган кишилар анчагина эди. Бироз ўтгач, яна йўлга чиқди. Энди у шаҳримиздаги 15-клиника касалхонасининг 1-терапия бўлимидаги беморлар ҳузурига ошиқарди...

Профессорнинг ҳар бир куни воқеаларга бой, қиладиган юмушлари кўп. Лекин у ҳаммасига улгуради. Терапия бўлимининг истаклар дафтарини варақласангиз, кўплаб илиқ қалб сўзларини ўқийсиз.

«Профессор К. Йўлдошевга катта миннатдорчилигимни изҳор этаман. У мени ҳаётга қайтарди...»

«Мен бугун уйга кетаяпман. Бунинг учун дам севинаяпман, дам хафа бўляпман. Севинганим бойиси — хасталикдан қутулганим, хафа бўлишимга сабаб, Карим Йўлдошев сингари меҳрибон кишилар билан хайрлашаётганимдандир».

—10—

Касалхонада А. Раҳимжонов, Р. Абдуллаев каби таниқли профессорлар, неврология бўлимининг мудири Г. Соипов, шунингдек доцентлар, фан кандидатлари, меҳрибон ва серташвиш ҳамширалар инсон саломатлиги йўлида ҳормай-толмай ишлашяпти...

15-касалхона бош врачи А. Содиқов, шифохона 1-терапия бўлими мудири В. Нисҳизова, А. Эрмуҳамедов, Қ. Ўтабов, А. Житницкая, Т. Королькова, Н. Шайхов, Т. Ҳайдаров каби қўли енгил врачлар, беморларни керакли дори-дармонлар билан таъминлаш йўлида ғайрат ва жонбозлик кўрсатаётган аптека бошқарувчиси Ш. Ермуҳамедов, А. Абдуллаева, В. Алексеева, Т. Тримсова каби ҳамшаналар ва бошқалар таҳсинга сазовор бўлишяпти. Бирон-бир маслаҳатли иш бўлса, К. Йўлдошевдан йўл-йўриқ сўрашади. У эса ўз билим ва медицина фани соҳасида қўлга киритган ютуқларини улар билан баҳам кўради.

Мактубларни айтмайсизми?

Профессор номига Иттифоқимизнинг турли бурчакларидан кўплаб хатлар келиб туради. Уларда шифокорларга миннатдорчилик изҳор этилган. Бу мактубларни ошқозон резекциясига учраб, кейинчалик даво топган кишилар ёзишган.

Халқимизда, олтин олма олқиш ол, деган нақл бор. К. Йўлдошев ана шу нақлга жуда-жуда монанд инсон.

Ҳамшаҳаримиз Карим Йўлдошев кўпчилик таҳсинига сазовор бўлаётган, мингдаб кишилардан олқиш олаётган ажойиб ва камтарин ўзбек профессоридир. Мана шунинг ўзи Карим ака учун катта бахт. Саҳоватли ана шундай инсонлар омон бўлишсин!

Солиҳ ЕҚУБОВ.

Фан оламида

СТАНДАРТ ВА ҲАВО

Стандартлаш соҳасидаги мутахассислар медиклар ва милициянинг актив ёрдамида бензин моторли автомобиль ишлаб чиқариш ва ишлатиш билан шуғулланувчи ташкилотларга бир қанча жиддий эътирозлар билдирдилар. Яроқсиз ҳолда чиқарилувчи газлар таркибидаги карбонат ангидрид миқдорини аниқлаш нормалари ва қоидаларини белгиловчи гост 16533—70 талаблари қанчалик бажарилаётганлигини текшириш натижалари шунга сабаб бўлди. СССР Давлат стандартининг экспертлари барча иттифоқдош республикаларнинг 200 та автотранспорт ва ишлаб чиқариш корхоналарида бўлиб, кўпчилик корхоналарнинг ҳужалик ҳодимлари норматив-техника ҳужжати талабларини бажаришни ташкил қилмаганликларини кўрдилар.

Гост 16533—70 жорий этилганлигига бир йил бўлди. Бу стандарт Совет Иттифоқида амалга оширилаётган муҳитни қўриқлашни стандартлаш программасига муофиқ тузилди. Шу программа сувда ва атмосфера ҳавосида зарарли моддалар қанчалик бўлиши мумкинлиги нормаси ва йўл қўйилиши мумкин бўлган энг юқори концентрацияси нормалари, асосий қоидалар, классификация ва терминология, табиатнинг аҳволини назорат этиш методлари ва воситаларини, корхоналар оқинди сувлари ва моторлаштирилган транспорт яроқсиз газларини тозалайдиган аппаратлар ва қурилмаларда қўйиладиган асосий техникавий талабларни кўзда тутади.

Совет олимлари ва мутахассислари бўлтур кузда халқаро стандартлаш ташкилоти бош ассамблеясининг Вашингтонда бўлиб ўтган IX сессиясида муҳитни қўриқлашни стандартлаш программаси тўғрисида ахборот бердилар. Шу учрашувнинг қатнашчилари 50 дан ошиқ мамлакат вакиллари СССРда қабул қилинган программанинг жаҳон практикасида тенги йўқлигини ва унинг аҳамиятини баҳолаш қийинлигини айтдилар. СССР Давлат стандартида маълум чегараларга қўра, белгиланган шу программани амалга оширишда 70 министрлик ва идора, 400 га яқин илмий тадқиқот институтлари қатнашади. Кучларни бундай концентрациялаш қўйилган вазифани юксак техникавий даражада ва ҳукумат белгилаган муддатларда ҳал этиш мумкин бўлади, деб ишонишга имкон беради.

Муҳитни қўриқлаш проблемаларига шунчалик эътибор берилишининг сабаблари маълум. Ўртоқ Л. И. Брежнев КПССнинг XXIV съездида қилган докладида бундай деди: «Фан-техника тараққиётини жадаллаштириш чораларини кўрган вақтда бу нарса ҳаво ва сувни хатарли равишда бузиш, ерни унумсиз қилиб қўйиш манбаи бўлиб қолмасдан, балки табиий ресурсларга жон қуйдириб қараш билан қўшиб олиб борилиши учун ҳамма ишни қилиш зарур».

КПССнинг XXIV съездидан кейин табиатни қўриқлашни янада яхшилаш масалалари СССР Олий Советининг сессиясида, муҳокама этилди. Сессия ҳужалик ходимларининг ана шу мақсадларга пул, материал ва меҳнат ресурслари ажратиш мажбуриятини юкловчи қарор қабул қилди.

Олимлар ва мутахассислар атмосферага чиқариладиган бўлғовчи моддаларнинг ярмидан ошиғи стационар энергетика установкалари билан транспорт ҳиссасига тўғри келади, деяптилар. Ер юзида юраётган 270 миллионга яқин автомобилларнинг ўзи бир йилда 200 миллион тоннадан зиёд карбонат ангидрид ва тахминан 50 миллион тонна турли углеводородлар чиқаради.

Кучли экономикага эга бўлган давлат — Совет Иттифоқининг саноат корхоналари ва транспорти атмосфера ҳавосини бузғашга маълум ҳисса қўшмоқда. Шу беш йилликнинг бошида СССРда поршенли моторлар номинал қуввати 868 миллион от кучига етганди (қайиқ ва мотоцикл моторлари бу ҳисобга кирмайди). Бу барча электр станцияларимизнинг белгиланган қувватидан 4,2 баравар кўп. Тўққизинчи беш йиллик бошланганидан бери дизель ва карбюраторли моторлар парки бир йилда ўрта ҳисобда тахминан 230 миллион от кучи кўпайди.

Ватанимиз саноати ясаган моторларнинг тўла-тўкис ҳаммаси шаҳар шароитларида ишлатилмайди, албатта. Кўпгина энг кучли моторлар денгиз ва дарё кемаларига, локомотивларга ўрнатилади. Кўпгина моторлар колхозларда ва совхозларда ишлаб, трактор, экскаватор, комбайн ва бошқа қишлоқ хўжалик техникасини ҳаракатга келтиради. Шаҳарларнинг ҳавосини асосан автомобиллар бўлғайди. Шунинг учун ҳам мутахассислар биринчи навбатда гост 16533—70 талабларига риоя этилишини текшириб кўришга қарор қилдилар. Бу талаблар бензин моторли автомобилларгагина тааллуқлидир.

СССР Давлат стандартининг вакиллари Горький, Запорожье ва Луцк автомобиль заводларида бўлдилар. Маълум бўлишича, бир қисми «саноат-саломатлик стандарти»нинг талабларига мос келмайдиган машиналар газ чиқарар экан. Горький юк автомобилларини ва енгил автомобилларининг яроқсиз газларида карбонат ангидрид нормада йўл қўйиладиганидан бир мунча кўпроқ экан.

Воронеж, Киров, Қозон, Украинадаги бир қанча шаҳарларнинг транспорт корхоналарида стандарт талаблари ғоятда бузилаётганлиги аниқланди. Ҳаракатни тўғриловчи замонавий техника ва газ анализ қилувчи асбоблар билан бошқа кўп корхоналарга нисбатан яхшироқ таъминланган Москванинг транспорт корхоналари ҳам бундан истисно эмас.

СССР Давлат стандартининг мажлисида СССР Ички ишлар министрлиги автомобиль инспекциясининг вакиллари мотори белгиланган талабларга мувофиқ созланмаган машиналарни тез-тез линиядан чиқариб юбораётганликларини маълум қилдилар. Инспекция Москва ва Ленинградда айниқса қатгиқ ишламоқда. Пойтахтнинг Горький кўчасида ҳавонинг карбонат ангидриди билан бутганини Днепропетровскдаги Гагарин проспекти, Киевнинг Калинин майдони, Фрунзенинг Совет кўчаси ва Сочининг курорт проспектидагидан айни шу сабабга кўра паст бўлиши керак. Ленинградда эса, Нева бўйидаги шаҳарнинг катта автомобиль ҳужаликлари стандарт талабларини тўғри бажариб келяпти.

Аммо бу ерда гап мотори яхши созланмаган автомобилни линиядан олиб ташлаш устидагина бораётгани йўқ. Бундай чоралар практиканинг кўрсатишича, маълум фойда бергани ҳолда халқ хўжалигига муайян миқдий зарар ҳам етказмоқда. Ҳар ҳолда давлат белгилаган қонун ва тартибларни доимо бузиб келаётганлар билан мурosa қилиб бўлмайди. Шу ҳолда норматив техника ҳужжати талабларнинг бажарилишини таъминлаш тўғрисида бораётир.

СССР Давлат стандартининг мажлисида асбобсозларга жиддий эътирозлар билдирилди. Улар халқ хўжалигини автомобиль яроқсиз газларидаги заҳарли аралашмаларни назорат қилувчи газ анализ воситалари билан таъминламаяптилар. Давлат комитетининг қарорида мана шу масалалар ва бошқа масалалар айтилади.

СССР Давлат стандарти ва соҳа ҳужалик марказларининг тегишли буйруқлари амалга оширилишига бир мунча вақт кетади. Белгиланган ишларни рўёбга чиқариш осон эмас. Ҳар ҳолда катта-катта автомобиль ҳужаликларининг ҳайдовчилари, механиклари ва мутахассислари гост 16533—70 талабларини аниқ ва тўла бажармоқ учун бугунги кундаёқ кўп ишлар қилишлари мумкин. Автомобиль ҳайдаб бораётган ҳар бир киши шу кўчадан ўз фарзандлари, қариндошлари, ёр-биродарлари ҳам юришини ва шу кўчада ҳайдовчи ўтказган дов-дарахт ва гўллар ўсишини ҳам эсда тутмоғи лозим.

В. БЕЛЯЕВ,
(ТАСС обзорчиси).

Спорт

ЯНА ИККИ ҒАЛАБА

СССР чемпионатида қатнашаётган «А» класс иккинчи группа шарқий зона командалари финишга яқинлашмоқда. Турнир жадвалининг қуйи қисмида ҳам, юқорисида ҳам кескин кураш бормоқда. Пешқадамлар муқофотли ўринларни эгаллаш учун ҳаракат қилсалар, аутсайдерлар группадаги ўз ўринларини сақлаб қолишга интилмоқдалар.

Ўтган якшанба ва душанба кунлари шу группада ўйнаётган Тошкентнинг «Бинокор» хоккейчилари ўз майдонларида турнир жадвалининг учинчи погонасини эгаллаб турган Тюмень шаҳрининг «Рубин» командаси билан икки марта куч синашдилар. Ҳамшаҳарларимиз ҳам ҳозир учинчи ўринга даъвогарлик қилиб туришибди. Шунинг учун командаларнинг иккала олишуви ҳам муросасиз ўтди. Тўғри биринчи учрашувда тошкентлик хоккейчилар ўйиннинг шиддат билан бошлаб иккинчи бўлимдан кейинроқ 6:1 ҳисобида олдинга чиқиб олишга муваффақ бўлдилар. Аммо учинчи бўлимда меҳмонлар бир шайбага жавобан Хасьяновни икки марта шайбани дарвоза ичидан олиб чиқишга мажбур қилдилар. Командаларнинг биринчи ўйини 7:3 ҳисобида «Бинокор»нинг фойдасига тугади.

Такрорий беллашувда меҳмонлар учинчи ўринни эгаллаб турганликлари тасодиф эмаслигини исботладилар. Учинчи бўлим бошларида тошкентликлар 3:6 ҳисобида ютқазишаётган эди. «Бинокор» ниҳоятда ҳужумкорлик билан ўйнаб, учрашувнинг сўнгги дақиқаларида ғалаба тарозусини ўз томонига оғдиришга муваффақ бўлди. Тошкентликлар машаққатли курашда 7:6 ҳисобида ғалаба қозонишди.

Шундай қилиб «Бинокор» учинчи ўринга даъвогарлик қилаётган ўзининг асосий рақибидан тўрт очко олишга муваффақ бўлди. Шундай бўлса ҳам «Рубин» ўз ўрнида қолди. Чунки тюменликлар 38 учрашувдан сўнг 48 очко тўплашган. Ҳамшаҳарларимиз эса 46 тага етди. Аммо уларнинг запасда яна икки ўйинлари бор.

Навбатдаги учрашувларни ҳамшаҳарларимиз 22 ва 23 февралда Березникини шаҳрида маҳаллий «Титан» командаси билан, 27 ва 28 февралда Нижний Тагилда «Спутник» командаси билан ўтказадилар. Ана шу ўйинларда муваффақиятли, қатнашса «Бинокор» чемпионатни учинчи ўринда якунлаши мумкин.

МУСОБАҚАЛАР ХРОНИКАСИ

⊙ ХОККЕЙ. Ленинград армиячилари мамлакат биринчилигининг навбатдаги учрашувида Горький шаҳрининг «Торпедо» командасини қабул қилиб, 4:1 ҳисобида ғалаба қозондилар.

⊙ ОҒИР АТЛЕТИКА. Москвада Марказий армия спорт клубининг Спорт саройида Куролли Кучлар чемпионати бошланди. Мусобақаларда М. Киржинов, В. Голованов ва Л. Жаботинский каби машҳур полвонлар иштирок этмоқдалар.

⊙ ҚЎЛ ТЎПИ. Эркаклар командалари ўртасида қўл тўпи бўйича жаҳон чемпионатининг сўнгги қатнашчиси ҳам аниқланди. Такрорий беллашувда Исроил командасини 18:14 ҳисобида мағлубиятга учратган Япония терма командаси ана шу ҳуқуқни қўлга киритди. Бу коллективларнинг биринчи ўйини 14:14 ҳисобида тугаган эди. «С» кичик группасида СССР спортчилари ГДР, АҚШ ва Япония командалари билан ўйнайдилар.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 23 II да **Дилором**, 24 II да **Золушка**, (кундузи), **Рус кишилари** (кечқуруи).

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 21 II да **Алжонларим**, 22 II да **Парвона**, 23 II да **Абу Райҳон Беруний**, 24 II да **Парвона** (кундузи), **Шоҳ Эдип** (кечқуруи).

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУСИҚАЛИ ТЕАТРИДА — 21 II да **Фарғона тонг отгунча**, 22 II да **Кумуш тўй**, 23 II да **Ҳонзода Ҳоним**, 24 II да **Ҳижрон** (кундузи соат 12 ва 7 яримда), 25 II да **Тошболта ошиқ**.

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЎШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 21 II да **Алгов-далғов**, 22, 23 II да **Фидоий**, 24 II да **Биринчи буса**.

Кино

21 ФЕВРАЛДА

Темир ниқоб — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ», САНЪАТ САРОЙИ, «ЧАЙКА», «СПУТНИК», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «ВОСТОК», «МОСКВА» (кечқуруи).

Булутлар — «ЎЗБЕКИСТОН» (кечқуруи).

Сенинг, шошмай тур! (мультфильмлар тўплами) — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кечқуруи).

Емғир ёғди, изғир ювилди — «КЎКЧА» (кечқуруи).

Эрамиздан миллион йил илгари — НАВОИЙ номли (кечқуруи).

Чемпион — «МИР» (кечқуруи).

Қора лола — ҲАМЗА номли (кечқуруи).

Ютқазилган ўйин — С. РАҲИМОВ номли (кечқуруи).

Филлар — менинг дўстларим — Ғ. ҒУЛОМ номли (кечқуруи).

22 ФЕВРАЛДА

Темир ниқоб — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ», САНЪАТ САРОЙИ, «ЧАЙКА», «СПУТНИК», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «ВОСТОК», «МОСКВА» (кундузи ва кечқуруи).

Никогнито хоним — «ЎЗБЕКИСТОН» (жуфт соатларда), «ҲАМЗА» номли (кундузи ва кечқуруи).

Сенинг, шошмай тур! (мультфильмлар тўплами) — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқуруи).

Емғир ёғди, изғир ювилди — «КЎКЧА» (кундуз ва кечқуруи).

Эрамиздан миллион йил илгари — НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқуруи).

Чемпион — «МИР» (кундуз ва кечқуруи).

Ғалабадан сўнгги жанг — С. РАҲИМОВ номли (кундуз ва кечқуруи).

Филлар — менинг дўстларим — Ғ. ҒУЛОМ номли (кундуз ва кечқуруи).

«Узбекконцерт»
22, 23 ФЕВРАЛЬ КЕЧ
СОАТ 8 ДА
СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА
24 ФЕВРАЛЬ КЕЧ
СОАТ 8 ДА
НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА
ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН АССР

САНЪАТ УСТАЛАРИНИНГ КОНЦЕРТИ

КОНЦЕРТДА: БЕРДАҲ НОМИДАГИ ДАВЛАТ ФИЛАРМОНИЯСИНИНГ АШУЛА ВА РАҚС АНСАМБЛИ; ЎЗБЕКИСТОН ЛЕНИН КОМСОМОЛИ МУҚОФОТИНИНГ ЛАУРЕАТИ «ҚИРҚ ҚИЗ» ДУТОРЧИЛАР АНСАМБЛИ; «МАРҲАБО ТАЛАНТЛАР» ТЕЛЕВИЗИОН КОНКУРСИНИНГ ЛАУРЕАТЛАРИ, ФИЛАРМОНИЯ ВА ТЕАТРЛАРНИНГ СОЛИСТЛАРИ, МУЗИКА БИЛИМ ЮРТИНИНГ ХОРИ ҚАТНАШАДИ.

Билетлар кундуз соат 2 дан бошлаб сотилади.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА
1 МАРТДА
БАҲОРГИ МАВСУМ ОЧИЛАДИ
ТОШКЕНТДА БИРИНЧИ МАРТА
ҚОЗОҚ ЦИРКИ АРТИСТЛАРИНИНГ ГАСТРОЛЛАРИ

ПРОГРАММАДА: отлар, акробатлар, масхарабозлар ва бошқа оригинал жанрлар.

Томошалар кеч соат 19.30 минутда бошланади.

Шанба ва якшанба кунлари 12.00, 15.00 ва 19.30 минутда бошланади.

АЗИЗ ХОТИН-ҚИЗЛАР!



23 ФЕВРАЛДА
СОВЕТ ХАЛҚИ
СОВЕТ АРМИЯСИ ВА ҲАРБИЙ-ДЕНГИЗ ФЛОТИ КУНИНИ БАЙРАМ ҚИЛАДИ

Агар Сиз шу куни турмуш ўртоғингиз, ўғлингиз, ака ва укангизга совға тақдим этмоқчи бўлсангиз,

«ТАШПРОМТОРГ» МАГАЗИНЛАРИГА МАРҲАМАТ ҚИЛИНГ!

Магазиндан совға танлаб олишингизда сизга малакали сотувчилар ёрдам беради.

42-«СОВҒАЛАР» МАГАЗИНИ
(«Халқлар дўстлиги» проспекти, «Чилонзор» массиви, 5-квартал)
ва
99-«СОВҒАЛАР» МАГАЗИНИ
(Луначарский шоссеси, 123-уй)

Ходимлари сиз кўрсатган кунингиз ва белгилаган вақтингизга адрес бўйича совғаларни етказиб беради.

«ТАШПРОМТОРГ» МАГАЗИНЛАРИ САВДОСИДА

кенг кўламда электр ва механик соқол олиш ускуналари, запонкалар, турли портсигарлар, жун ва ярим жун шарфлар, чарм портфеллар, сувенирлар, жемперлар, кўйлаклар ва свитерлар

МАВЖУД
«ТАШПРОМТОРГ» МАГАЗИНЛАРИГА МАРҲАМАТ ҚИЛИНГ!

•*Сўраган эдингиз...*

Аъло меҳнатни тақдирлаш

Қадрли редакция! Ўз вазифасини яхши тушуниб, ҳалол ва виждонан меҳнат қилиб келаётган ишчи ва хизматчиларни янада самарали ишдашга даъват этиш учун бўлган рағбатлантириш тадбирлари нимадан иборат? Шу ҳақда тушунча беришингизни илтимос қиламиз.

А. АШУРАЛИЕВ,
З. ШОДИҚУЛОВ,
машинасозлик заводининг слесарлари.

Корхона, ташкилот, муассасалар маъмурияти ишчи ва хизматчиларни ўзларига топширилган вазифани сидқидилдан намунали адо этаётгани, ишлаб чиқаришда новаторлик кўрсатаётгани, ихтиросчилик ва рационализаторлик таклифлари учун вақти-вақти билан рағбатлантириб бориши лозим. Бундан ташқари, бир ерда узоқ йиллар ишқоссиз меҳнат қилганлиги ва ўзга корхонага ишга киришга муваффақиятлари учун ҳам ходимлар мукофотланиб турилади.

Маъмурият рағбатлантиришнинг айниқса, қуйидаги тадбирларидан кенг фойдаланиши мумкин. Ташаккурномалар эълон қилиш, фахрий ёрликлар билан мукофотлаш. Ҳурмат тахтаси ва меҳнат шон-шуҳрати китобларига алоҳида номуна кўрсатганларнинг исми-фамилиялар и я н ёзиш шулар жумласидан. Бундан ташқари, коммунистик меҳнат зарбдори, ўз касблари бўйича энг яхши ишчи, деган шарафли унвонларни бериб бориш ҳам мақсадга мувофиқдир.

Пул ва номлари ёзилган қимматбаҳо эсдалик совғалари билан тақдирлаб бориш ҳам ходимларни рағбатлантиришнинг асосий омилларидан ҳисобланади.

Ишчи-хизматчиларни рағбатлантириш билан боғлиқ бўлган у ёки бу масалани корхона (муассаса, ташкилот) бошлиғи касаба союзлари фабрика, завод ва жамоат ташкилотлари билан бамаслаҳат ҳал этади.

Тақдирлашнинг барча тадбирлари ҳам бўйруқ ёки фармойиш асосида расмийлаштирилиб, кўпчиликка маълум қилинади. Рағбатлантирилган ишчи-хизматчиларнинг меҳнат дафтарчаларига улар мавжуд тартиб-қоидага кўра ёзиб қўйилиши лозим.



Велосипедчилар стартга тайёрланишмоқда. Н. Муҳаммаджонов фотоси.

•*Ножўя иш — келтирар ташвиш*

ЮРСАНГ САЁҚ...

Ранса Михайловнанинг юрагида ўти, билагида кучи тўлиб-тошган пайт. Бироқ у сўнгги тўрт йил давомида бирор жойга ишга кириб ишлашдан бўйин товлаб келди. Гапнинг тўғриси, техникўрларча ҳаёт кечиришни ўзига асосий касб қилиб олди. Меҳнатсиз топилган пулларни ичкиликка сарфлади. Қўни-қўшнилар, қариндош-уруғларининг фойдали иш билан шуғулланиш тўғрисидаги маслаҳатига қулоқ солмади.

Ичкиликка ружу қўйиш Ранса Софинани одамгарчиликдан чиқарди. Ҳалол меҳнат қилиб келаётган ишчиларнинг оромини бузишга, ёмон сўзлар билан ҳақорат қилишга бошлади. У бу ярамас иши учун район халқ судининг ҳукми билан ўн беш сутнага қамалиб ҳам чиқди. Ранса бундан ўзига зарур хулоса чиқариши, тўрт болани меҳр-муҳаббат билан парвариш қилиши лозим эди.

Аммо ўргангган кўнгил ўртанса қўймас, деганлари тўғри экан. Мана, у яна қора курсида ўтирибди. Ольга Истомина, Р. Ладигина, З. Бикуова каби гувоҳлар айбдорнинг барча ярамас хатти-ҳаракати, кирдикорларини бирма-бир очиб ташлади. Шунинг учун ҳам, қилмишидан мингбир пушаймон бўлган Р. Софинанинг боши қуйи солинган.

Бу сафар Куйбишев район халқ суди унга нисбатан қаттиқроқ жазо чорасини лозим топди. Суд ҳайъати Ранса Михайловнани бир йил муддат билан озодликдан маҳрум этди. Унинг тўрт фарзанди эса, болалар уйига жойлаштирилди.

Р. ЮСУПОВ,
Куйбишев район халқ судьяси.

Чет эл юмори

⊙ Учиб кетаётган самолётда бир йигит чиройли қизни кўриб қолди ва у билан танишмоқчи бўлди.

Танишиш учун чора излаб топа олмагач деди:

— Яхши қиз, сиз ҳам шу самолётда учаяпсизми?

⊙ Габроволик сувга чўкаётган англиялик бир кишини ўлимдан қутқариб қолди.

— Мана энди орамиз очиқ бўлди, — деди у англияликка.

— Сизга катта раҳмат, деди у, — мен миннатдорчилигимни қандай изҳор қилай. Хизматингиз учун ўн фунт стерлинг бермоқчиман. Лекин менда яхлит йигирма фунт стерлинг бор. Қайтимини бериш учун сизда майда топиладими?

— Ҳозир йўлини топамиз, — деди қулиб габроволик ва пулни чўнтагига солиб, англияликни сувга итариб юборди. Кейин сувга тушиб, иккинчи марта уни қутқариб қолди.

— Мана энди орамиз очиқ бўлди, — деди у англияликка.

Б. ҲИДОЯТОВ,
таржимаси.

Редактор
С. М. ҚАРОМАТОВ.

Телевизор

21 ФЕВРАЛЬ
ПАЙШАНБА

Биринчи программа. Тошкент кўрсатади. 18.10 Кўрсатувлар программаси. **Ўзбек тилида:** 18.15 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Истиқбол эгалари». Телевизион журнал. 18.45 СССР халқлари адабиёти. Д. Гуляниинг ижодий портрети. **Рус тилида:** 19.35 «Ахборот» информацион программаси. 19.50 «Партком ва социалистик мусобақа». 20.20 Ўн минут музика. **Москва кўрсатади.** 20.30 Миллион йил илгари. 21.00 Концерт залида. СССР халқ артисти Ю. Гуляев куйлайди.

Учинчи программа. 19.00 дан Тошкент кўрсатади.

Иккинчи программа. Москва кўрсатади. 18.10 «Бизнинг кўча» Калинин проспекти. 19.10 Болалар учун кўрсатув. 19.25 Рангли телевидение. Спорт программаси: Чанғи спорти бўйича жаҳон чемпионати. Швециядан олиб кўрсатилади. Тўпли хоккей бўйича СССР чемпионати. «Динамо» (Москва) — «Зорький» (Красногорск). «Спортлото» тираж и. **Тошкент кўрсатади.** 20.30 «Ҳаракат хавфсизлиги учун» (рус тилида). **Москва кўрсатади.** 21.00 Концерт залида. СССР халқ артисти Ю. Гуляев куйлайди.

Учинчи программа. 19.00 дан Тошкент кўрсатади.

22 ФЕВРАЛЬ
ЖУМА

Биринчи программа. Москва кўрсатади. 12.00 Кўрсатувлар программаси. 12.05 Рангли телевидение. Эрталабки гимнастика машғулотлари. 12.20 Янгиликлар. 12.30 Ўқувчилар учун. «Бир умр қадрдон». Телевизион очерк. 12.50 Рангли телевидение. Кабардин-Болқор АССР «Чегем шалолалари» ансамблининг концерти. 13.10 «Пастда одамлар». Киноочерк. 13.25 Бадиий фильм. 14.55 Концерт. 15.45 Кўрсатувлар программаси. 15.50 Янгиликлар. 16.00 «Ота-оналар, сизлар учун». «Сиз ва болаларингиз дунёси». Учинчи кўрсатув. 16.30 Китоблар оламида. 17.00 Рангли телевидение. Ўқувчилар учун. «Орлёнок». телестудияси ёш мухбирларининг Армия генерали И. И. Федюнинский билан учрашуви. 17.50 Рангли телевидение. Болалар учун. «Биздан. қўёш ортидан борамиз». **Тошкент кўрсатади.** 18.05 Кўрсатувлар программаси. 18.15 Болалар учун мультфильм. 18.30 Ўқувчилар учун. «Ёш натуралистлар» (ўзбек тилида). **Рус тилида:** 19.00 Музикали учрашувлар. 19.45 «Ахборот» информацион программаси. **Ўзбек тилида:** 20.00 «Идеология ва ҳаёт». 20.30 Ўн минут музика. 20.40 «Ахборот» информацион программаси. 21.00 «Бўстон». Телевизион журнал. **Москва кўрсатади.** 22.00 «Вақт» информацион программаси.

Иккинчи программа. Тошкент кўрсатади. Рус тилида: 11.30 «Л. Н. Толстой яшаган жойларда». «Ясная Поляна». Рус адабиётидан кўрув кўрсатуви. 12.00 «Галда — ризқ-рўзимиз». Ҳужжатли фильм. **Москва кўрсатади.** 18.05 «Жасорат»нинг дала почтаси». 18.35 Рангли телевидение. Спорт программаси.: Чанғи спорти бўйича жаҳон чемпионати. Швециядан олиб кўрсатилади. Волейбол бўйича СССР биринчилиги. ЦСКА —«Радиотехник» (Рига). Эркаклар. Ригадан олиб кўрсатилади. 19.15 «Дўстлар маҳфи». 20.00 Концерт. 20.40 «Зимородок». Бадиий фильм. **Тошкент кўрсатади.** 22.00 «Физкультура ва спорт». Телевизион журнал. (Ўзбек тилида). **Москва кўрсатади.** 22.30 Рангли телевидение. «Артдото». Эстрада программаси. 23.35 Рангли телевидение. Телевизион бадиий фильм премьераси.

Учинчи программа. 19.00 дан Тошкент кўрсатади.

Тошкент шаҳар, Фрунзе районидаги 207-сиртқи-кечки ўрта мактабидан **Тўлабой Унабоев** номига берилган 333670 номерли ўқувчи гувоҳномаси

ЎРТА МАЪЛУМОТ ТЎҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Тошкент Давлат цирки коллективи совет циркининг кекса артисти

Даврон РАҲМОНОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдиради ва марҳумнинг оиласига таъзия изҳор қилади.

Тошкент оқшоми 4 бет.
21 ФЕВРАЛЬ, 1974 й.
ОРГАН ТАШКЕНТСКОГО ГОРКОМА КП УЗБЕКИСТАНА И ТАШГОРСОВЕТА
БИЗНИНГ АДРЕС: 700.000; ТОШКЕНТ, ГСП, ДЗЕРЖИНСКИЙ КЎЧАСИ, 15-УЙ.
Р — 03247. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64579. Нашр А—3016.
ТЕЛЕФОНЛАР: коммутатор—33-02-49 дан 33-02-58 гача. Эълонлар бўлими—33-81-42.